

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРХОДЖАЕВ ИСЛАМ АСРОРОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОМПЛЕКС
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИ
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

14.00.02 –Морфология

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Мирходжаев Ислам Асрорович

Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини
оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш 3

Мирходжаев Ислам Асрорович

Клинико-морфологическое обоснование оптимального метода диагностики и
комплексного хирургического лечения эхинококкоза печени..... 43

Mirkhodzhaev Islam Asrorovich

Clinical and morphological substantiation of the optimal method of diagnosis and
complex surgical treatment of liver echinococcosis.....85

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....92

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРХОДЖАЕВ ИСЛАМ АСРОРОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОМПЛЕКС
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИ
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК АСОСЛАШ**

14.00.02 – Морфология

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Tib834 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyounet» (www.ziyounet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий консултантлар

Тешаев Шухрат Жумаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамдамов Бахтиёр Зарифович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Зокирова Наргиза Баходировна

тиббиёт фанлари доктори

Калашникова Светлана Александровна

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Dr. Fikret Ezberci

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Туркия Республикаси)

Етакчи ташкилот

Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон Давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «8» феврал соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, Ғиждувон, кўчаси, 23-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 9 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50;

Диссертация автореферати 2024 йил «23» январь да тарқатилди.

(2024 йил «23» январь даги рақамли реестр баённомаси)



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

М.М.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Минтақамизда оғир паразитар касаллик бўлган эхинококкоз бугунги кунда жиддий тиббий ва халқ – хўжалиги муаммоси бўлиб қолмоқда. Дунёда жигар эхинококкози (ЖЭ) билан касалланиш 100 000 аҳолига 1 дан 200 гача ўзгариб туради. Аъзолар ва тўқималарнинг шикастланиши орасида «...жигар эхинококки, касалланганларнинг 46-83% ни ташкил қилган ҳолда энг кўп аниқланади...»¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили эхинококкоз бўйича 1500 та операция ўтказилиб, уларнинг сони муттасил ортиб бормоқда. Жигар эхинококки билан касалланган беморларни даволашнинг энг радикал усули жарроҳлик бўлиб ҳисобланади, аммо адабиётларнинг маълумотларига кўра, рецидивли жигар эхинококкларининг ривожланиши 10 дан 18% гача ҳолатларни ташкил этади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, рецидивларнинг бундай сони эхинококкэктомиядан кейин жигарнинг қолдиқ бўшлиқларини гельминтга қарши ишлов бериш усулларига боғлиқ. Эхинококкоз рецидиви масаласида операциялар барча жарроҳлик аралашувларнинг 10% ини ташкил қилади. Эхинококкозни жарроҳлик йўли билан даволашнинг қийинчиликлари, шунингдек, жарроҳлик пайтида қолдиқ бўшлиқларни ишлов беришда бутун организмга зарарсиз бўлган гермициднинг самарали усулларининг йўқлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда албендазол препарати рецидивларнинг олдини олиш ва эхинококкознинг дастлабки босқичларини даволаш учун кенг қўлланилади. Албендазол ҳосилаларининг камчиликлари токсиклик, паст селективлиги, фойдаланиш муддатининг давомлилигининг узоклиги (3-4 ойгача) ва ушбу дорилар процедурасининг нархининг юқори эканлигидадир. Турли хил касалликлар ташҳисоти ва даволашда биологик фаол моддалар ташувчилари -липосомаларни ўрганиш тиббиётнинг янги истиқболли йўналиши ҳисобланади. Асосан РЭТ ҳужайраларида тўпланадиган липосомалар ва унга юкланган дори воситаларининг организмга киритилиши уларни жигар эхинококкларини даволашда қўллаш имконини берди. Липосомалар кўплаб дориларнинг ҳужайраларга кириб боришини оширади, бунда препаратнинг дозасини, уни қўллаш частотаси ва давомийлигини камайтиради, шунингдек, препаратнинг токсиклиги бўлмаслиги кузатилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар қаторида касалликларга эрта ташҳис қўйиш, асоратларни камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга

¹ Agudelo Higuaita N.I., Brunetti E., McCloskey C. Cystic Echinococcosis // Journal of clinical microbiology. – 2020. - 54(3). – p. 518-523.

қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши замонавий диагностика технологиялари ва жигар эхинококкози билан касалланган беморларни комплекс жарроҳлик даволашни қўллаш орқали жарроҳлик аралашувидан кейинги касалликларнинг қайталаниши ва асоратларини камайтириш имконини берган.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг ВИ. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Жигар эхинококкозининг ташҳисот усуллари ва комплекс жарроҳлик даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан олиб борилмоқда ва илмий изланишлар давом эттирилмоқда, жумладан: National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (АҚШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция);, А.В.Вишневский

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган

номидаги ФДБМ хирургия ИТТМ (Россия Федерацияси).

Албендазолнинг липосомал шакли (АЛШ) билан ташҳисот ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш орқали жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш учун илмий натижалар олинган, шу жумладан: жигар эхинококки рецидивларининг олдини олиш ва даволаш учун кимёвий терапияни жарроҳлик даволашдан сўнг дарҳол ва узок муддатда қўллаш асосланган (University of California, АҚШ); ҳар хил турдаги асоратлар ва ногиронликнинг ривожланишига олиб келадиган йилига 2 мингдан ортиқ операцияларни ўтказиш натижасида давлатларга катта иқтисодий зарар етказилиши асосланган (South Bohemian University, Чехия); турли хил гелминтга қарши дориларнинг турли шакллари қўллаш самарадорлиги ва мақбуллиги текширилган ва баҳоланган (Discipline of Microbiology, National University of Ireland, Ирландия); жигар эхинококкозида операциядан сўнг антипаразитар даво зарурлиги исботланган (University Medical Center Utrecht, Нидерландия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фармакологиянинг ва жарроҳлик даволаш натижаларининг ютуқларига қарамасдан, жигар эхинококкозли беморларда жарроҳликдан кейинги асоратлар, шунингдек, рецидивларнинг юқори даражаси бу муаммонинг тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади (Назирова Ф.Г., 2021; Раҳмонов К.Э., 2022; Ветшев П.С. 2021). Инновацион ташҳисот усуллари технологиясини ўзлаштириш, шунингдек, жигар эхинококкэктомиясидан кейинги асоратлар ва рецидивларнинг самарали олдини олиш ва уни жарроҳлар амалиётига жорий этиш соғлиқни сақлашнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, асоратлар ва ўлим, касалликнинг қайталанишининг олдини олиш ва жамият учун харажатларни камайтириш имконини беради. (Бабаджанов А.С., 2023; Илхамов Ф.А., 2005; Minaev S.V. ва ҳаммуал, 2020). Республикамиз масштабларида эхинококкоз касаллигининг кенг тарқалганлиги ва беморлар сонининг ортиб бораётгани ушбу патологияни даволашни такомиллаштириш заруратини белгилаб, муаммонинг долзарблигидан далолат беради (Бабаджанов А.Х., 2020; Махмудов У.М., 2019; Graeter T., 2020).

Юқорида келтирилганлар антигенбоғловчи лимфоцитлар ёрдамида жигар эхинококкини иммунодиагностика қилиш усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда албендазолнинг липосомал шакли самарадорлигини ишлаб чиқиш ва морфологик асослаш, кейинчалик натижаларни клиник амалиётга экстраполяция қилишнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (В.2023/2/DSc/Tib.834) « COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолисининг соғлигига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш, даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жигар эхинококкози ташҳисоти ва комплекс хирургик даволаш натижаларини морфологик асосланган усуллари ишлаб

чиқиш орқали яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигар эхинококкозини ташҳислаш ва жарроҳлик даволашнинг қониқарсиз натижаларини ўрганиш;

антигенбоғловчи лимфоцитлар ёрдамида жигар эхинококкозини иммунодиагностика қилиш усулини ишлаб чиқиш;

жигар эхинококкозини комплекс даволашда албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклини қўллаш самарадорлигини ишлаб чиқиш ва морфологик асослаш;

жигар эхинококкози бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклини қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

жигар эхинококкози бўлган беморларнинг асосий ва назорат гуруҳларида даволаш натижаларини қиёсий баҳолашни ўтказиш;

ўтказилган тадқиқотларга асосланиб жигар эхинококкозини ташҳислаш ва комплекс жарроҳлик даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2012-2020 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида кузатувда бўлган 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган 467 нафар жигар эхинококкози билан касалланган беморлар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети иммунологик ва биокимёвий текширувлар учун периферик қон ва унинг зардоби, тажрибавий ҳайвонларда цитоморфологик тадқиқотлар бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқотда клиник, морфологик, тажрибавий, гематологик, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилган;

албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли (А-СД ЛШ) паразитнинг эмбрионал элементларига яққол кириб борувчи ва гермицид таъсирга эга эканлиги исботланган, бунда имплантация ўчоғида инкапсуляциянинг дастлабки босқичлари ва эхинококк кистасининг петрификацияси билан кичик деструктив ва алтератив ўзгаришлар аниқланган. Липосомалар жигар тўқималарига кириб бориб стромал элементларни мустаҳкамлаган, хусусан, Купфер ҳужайраларини фаоллаштирган, синусоидлар деворларини ва гепатоцитларнинг ташқи мембранасини қалинлаштирган, бу уларни эхинококк суюқлигининг токсик таъсиридан ҳимоя қилган;

тажрибавий тадқиқотларда албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклининг қолдиқ бўшлиқларни даволаш учун терапевтик мақсадларда ҳам, жигар эхинококкозининг қайталанишини олдини олиш учун ҳам қўллаш самарадорлиги ва мақбуллиги исботланган;

даволаш тактикасини танлашда жигар эхинококкозини ташҳислашда антигенбоғловчи лимфоцитларнинг иммунодиагностик тестининг аҳамияти исботланган;

жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган терапевтик ва ташҳисот алгоритми таклиф қилинган, бу

операциядан кейинги специфик асоратларни 36,40% дан 13,2% гача ва касалликнинг қайталанишини 17,8% дан 1,2% гача камайтиришга кўмаклашган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амалий соғлиқни сақлашга биринчи марта мавжуд тестларга нисбатан 2 баравар сезгир бўлган эхинококк антигенлари билан специфик жавоб берувчи, айланиб юрувчи антиген боғловчи лимфоцитларни (АБЛ) рўйхатга олишга асосланган самарали клиник, иммунологик, маълумотли специфик иммунодиагностик тест таклиф қилинган (РНГА, РЛА);

жигар эхинококкозининг тажрибавий моделида албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклининг самарали сколексоцид антипаразит таъсири исботланган, бу ҳайвонлардаги тажриба натижаларини клиник соғлиқни сақлаш амалиётига экстраполяция қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

албендазолнинг липосомал шакли-сулфоксид (АЛШ-СД) билан жигарнинг қолдиқ бўшлиғини паразитларга қарши даволашнинг янги усули, 5 минут давомида (бир марталик) қўлланиладиган препаратнинг мақбул миқдори ва таъсир қилиш вақти таклиф қилинган;

биринчи марта амалий жарроҳлик учун жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволаш учун такомиллаштирилган даволаш-ташҳисот алгоритми таклиф этилган, бу операциядан кейинги специфик асоратлар сони ва касалликнинг рецидиви ривожланишини камайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилан назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, ўтказилган текширувларнинг тўғрилиги, тажрибавий материалларнинг етарлилиги, бир-бирини тўлдирувчи морфологик, тажрибавий, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларининг замонавийлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган модели таклиф қилинган бўлиб, ҳам эхинококкэктомиядан сўнг албендазолнинг липосомал шаклини жигарнинг қолдиқ бўшлиғини даволашда ҳам рецидивга қарши кимётерапия мақсадида оғиз орқали киритишда маҳаллий қўллашнинг самарадорлиги морфологик асосланганлиги билан изоҳланган.

Экспериментал равишда, албендазолнинг липосомал шакли эхинококкнинг эмбрионал элементларига яққол гермицид таъсир кўрсатиши, жигар ҳужайраларининг функциясининг бузилишларини келтириб чиқармаслиги, шу билан бирга стромал элементларни мустаҳкамлаши, хусусан Купфер ҳужайраларини фаоллаштириши, синусоидлар деворларини ва гепатоцитларнинг ташқи мембранасини қалинлаштириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тавсия этилган даволаш-ташҳисот алгоритми клиник самарадорликка эга бўлиб, бу беморларнинг касалхонада қолиш вақтини қисқартиришга имкон бериши, албендазол

сулфоксиднинг липосомал шаклини қўллаш эса юқори сколексоцид самарага эга, бир вақтнинг ўзида гепатопротектор хусусиятга, дори воситаларини зарарланиш ўчоғига мақсадли ташиш хусусиятига эгаллиги билан изоҳланган. Тажрибавий тадқиқотлар уларнинг натижаларини клиник амалиётга, хусусан, жигар эхинококкозининг жарроҳлигига экстраполяция қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 4 декабрь №23- Z/088 сон хулосасига кўра: лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилиши жигар эхинококкэктомия операциясидан кейинги қолдиқ бўшлиқни антипаразитар моддалар ишлатилиши йўли билан самарадор усулни танлаш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (11.06.2023 й.; №9/1), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.02.2023 й.; №11), Бухоро вилоят патологоанатомик бюроси бўйича буйруқ (10.08.2023 й.; №5/1) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (21.08.2023 й.; №77) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилиши эхинококк кистаси ва унинг атрофидаги жигар тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришларни аниқлаб, операциядан кейинги қолдиқ бўшлиқни турли гермицид воситалар билан ишлов бериш натижаларини баҳолаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тажрибада лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилиши мазкур беморларда касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради ҳамда беморларни даволашда сарфланадиган харажатларини 1 150 000 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: тажрибада лаборатория ҳайвонларида жигар эхинококкозининг такомиллаштирилган тажрибавий модели ишлаб чиқилиши мазкур беморларда касалликнинг асоратларини олдини олиниши даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 150 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 570 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий

янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 24 августдаги 04/4412-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли (А-СД ЛШ) паразитнинг эмбрионал элементларига яққол кириб борувчи ва гермицид таъсирга эга эканлиги исботланган, бунда имплантация ўчоғида инкапсуляциянинг дастлабки босқичлари ва эхинококк кистасининг петрификацияси билан кичик деструктив ва алтератив ўзгаришлар аниқланган. Липосомалар жигар тўқималарига кириб бориб стромал элементларни мустаҳкамлаган, хусусан, Купфер хужайраларини фаоллаштирган, синусоидлар деворларини ва гепатоцитларнинг ташқи мембранасини қалинлаштирган, бу уларни эхинококк суюқлигининг токсик таъсиридан ҳимоя қилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли паразитнинг эмбрионал элементларига яққол кириб борувчи ва гермицид таъсирга эга эканлиги экспериментда аниқланиши жигар қолдиқ бўшлиқни ишлов бериш учун оптимал антипаразитар воситани танлашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (11.06.2023 й.; №9/1), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.02.2023 й.; №11), Бухоро вилоят патологоанатомик бюроси бўйича буйруқ (10.08.2023 й.; №5/1) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (21.08.2023 й.; №77) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли паразитнинг эмбрионал элементларига яққол кириб борувчи ва гермицид таъсирга эга эканлиги экспериментда аниқланиши жигар қолдиқ бўшлиқни ишлов бериш учун оптимал антипаразитар воситани танлаш орқали жигар эхинококкози билан касалланган беморларни адекват даволаш самарадорлигини ошириш имкониятини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли паразитнинг эмбрионал элементларига яққол кириб борувчи ва гермицид таъсирга эга эканлиги экспериментда аниқланиши жағар эхинококкозини хирургик даволашда сарфланадиган харажатларини 1 150 000 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: тажрибада жигар эхинококкэктомиясидан кейинги қолдиқ бўшлиқини албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли ёрдамида ишлов бериш ижобий натижаларга олиб келган. Ушбу восита энг тез кириб борувчи таъсир кўрсатган, шунинг учун тажрибанинг дастлабки босқичларида ҳайвонларнинг ҳолати яхшиланган. Липосомалар жигар тўқималарига кириб бориб стромал элементларни мустаҳкамлаган, хусусан, Купфер хужайраларини фаоллаштирган, синусоидлар деворларини ва гепатоцитларнинг ташқи мембранасини қалинлаштирган, бу гепатоцитларни

эхинококк таркибининг токсик таъсиридан ҳимоя қилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 24 августдаги 04/4412-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: тажрибавий тадқиқотларда албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклининг қолдиқ бўшлиқларни даволаш учун терапевтик мақсадларда ҳам, жигар эхинококкозининг қайталанишини олдини олиш учун ҳам қўллаш самарадорлиги ва мақбуллиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти тажрибавий тадқиқотларда албендазол-сулфоксиднинг липосомал шаклининг қолдиқ бўшлиқларга ишлов бериш, ушбу воситанинг кучли гермицид таъсирга эга эканлиги, аммо жигар тўқимасига кам токсик таъсир кўрсатувчи ва гепатопротектор хусусиятга эга эканлиги сабабли даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (11.06.2023 й.; №9/1), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.02.2023 й.; №11), Бухоро вилоят патологоанатомик бюроси бўйича буйруқ (10.08.2023 й.; №5/1) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (21.08.2023 й.; №77) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқотда ишлаб чиқилган албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли билан жигар қолдиқ бўшлиқларни ишлов бериш усулининг ижобий натижалари уни клиник амалиётда тадбиқ этиш учун асос бўлган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли билан жигар қолдиқ бўшлиқларни ишлов бериш усулини қўлланилиши: ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиб, беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 750 000 сўмга камайтирган (БВКТТМ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 170 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 155 000 сўм дори воситалари сарфланади);

Хулоса: албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли билан жигар қолдиқ бўшлиқларини ишлов бериш усулининг қўлланилиши даволаниш самарасини оширишга даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат

тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 24 августдаги 04/4412-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: даволаш тактикасини танлашда жигар эхинококкозини ташхислашда антигенбоғловчи лимфоцитларнинг иммунодиагностик тестининг аҳамияти исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: жигар эхинококкозини ташхислашда мавжуд тестларга (РНГА, РЛА) нисбатан икки баравар сезгир бўлган эхинококк антигенлари билан специфик жавоб берувчи, айланиб юрувчи антиген боғловчи лимфоцитларни (АБЛ) рўйхатга олишга асосланган самарали клиник, иммунологик, маълумотли специфик иммунодиагностик тест таклиф қилинган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (11.06.2023 й.; №9/1), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.02.2023 й.; №11), Бухоро вилоят патологоанатомик бюроси бўйича буйруқ (10.08.2023 й.; №5/1) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (21.08.2023 й.; №77) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жигар эхинококкозини қиёсий ташхислашда ва хирургик даволаш тактикасини танлашда таклиф этилган антигенбоғловчи лимфоцитларнинг иммунодиагностик тести касалликни ташхислаш натижаларини информативлигини ошириш, хирургик даволаш тактикасини танлашда таклиф этиш билан бир қаторда, касалликни қайталанишини башорат қилиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жигар эхинококкозини ташхислашда ва даволаш тактикасини танлашда антигенбоғловчи лимфоцитларнинг иммунодиагностик тестини ишлаб чиқилиши касалликнинг диагностик ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини бериб 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 295 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 340 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: антигенбоғловчи лимфоцитларнинг иммунодиагностик тестини ишлаб чиқилиши касалликнинг диагностик ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини бериб 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 295 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 340 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 24 августдаги 04/4412-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган терапевтик ва ташхисот

алгоритми таклиф қилинган, бу операциядан кейинги специфик асоратларни 36,40% дан 13,2% гача ва касалликнинг қайталанишини 17,8% дан 1,2% гача камайтиришга кўмаклашган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: таклиф этилган жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган даволаш ва ташҳисот алгоритми жигар қолдиқ бўшлиғини албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли билан ишлов бериш ёки 5 см гача бўлган паразитар кистани антипаразитар кимёвий терапия усулида даволаш усулини танлаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (11.06.2023 й.; №9/1), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (14.02.2023 й.; №11), Бухоро вилоят патологоанатомик бюроси бўйича буйруқ (10.08.2023 й.; №5/1) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (21.08.2023 й.; №77) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган даволаш ва ташҳисот алгоритми асосида даволаш тактикасини танлаш касалликнинг ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга, бу орқали бемордаги социал кўрсаткичларни яхшилаш, ногоронлик ва леталлик даражасини камайтиришга эришилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг даволаш ва ташҳисот алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиниши ижобий даволаш натижаларини 31,9% га ошириш, қоникарсиз даволаш натижалари частотасини 39,7% дан 20,4% гача ва ўлимни ишонарли даражада камайтириш имконини бериш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 150 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 570 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Хулоса: жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг даволаш ва ташҳисот алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиниши ижобий даволаш натижаларини ошириш, қоникарсиз даволаш натижалари частотаси ва ўлимни ишонарли даражада камайтириш имконини бериш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 150 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 570 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Жигар эхинококкози диагностикаси ва комплекс хирургик даволаш усулини оптималлаштиришни клиник-морфологик асослаш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 24 августдаги 04/4412-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий ҳолатлари жами 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро

ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда, симпозиумларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 3 та ихтирога патент, 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, шахсий тадқиқотларнинг олтига боби, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи. Жигар эхинококкозида замонавий хирургик қарашлар ва долзарб муаммолар”** деб номланган биринчи бобида жигар эхинококкозининг этиологияси, патогенези, ташҳисоти ва клиник кўринишидаги ҳал этилмаган муаммоларга оид адабиётларни кўриб чиқиш намойиш этилган. Жигар эхинококкозини даволашнинг консерватив ва жарроҳлик усуллари соҳасидаги замонавий ютуқлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқот материали ва усулларига бағишланган. Диссертация иши клиник ва тажрибавий қисмлардан иборат. Клиник материал 2012-2020-йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида қорин бўшлиғи жарроҳлиги бўлимида даволанган ва кўрикдан ўтган 467 нафар жигар эхинококкозли беморлардан иборат.

Экспериментал тадқиқотлар лаборатория ҳайвонларида ўтказилган. Ҳар иккала жинсга мансуб, ташқи касаллик белгиларисиз жами 60 та тана вазни 2200-2500 грамм бўлган зотсиз қуёнлар ишлатилган.

Тадқиқот мақсадларига мувофиқ, барча беморлар шартли равишда уч гуруҳга бўлинган: 1-назорат гуруҳи, 2 а, б - беморларнинг асосий гуруҳи.

Жарроҳлик шифохонасига ётқизилган барча беморлар асосан режали тарзда операция қилинган; қолдиқ бўшлиқни паразитларга қарши ишлов бериш усулига қараб, беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган.

Назорат гуруҳи $n=302$ бемор, уларда эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқ 80-100% глицерин билан ишлов берилган (экспозиция 10 минут). II

“А” асосий гуруҳи 82 бемордан иборат бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқ албендазолнинг 2% сувли эритмаси билан ишлов берилган (экспозиция 7 минут).

Учинчи асосий гуруҳ (II “Б”) 83 бемордан иборат бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқ албендазол-сулфоксиднинг липосомал шакли билан даволанган (экспозиция 5 минут).

Экспериментал тадқиқотлар қуйидаги сериялардан иборат бўлган:

Тажрибаларнинг 1-серияси - булар жигар эхинококкининг экспериментал моделига эга бўлган 10 та ҳайвонлар (ихтиро учун патент, 1995 йил 1192-сон гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Давлат патент идораси).

Тажрибаларнинг 2-серияси-қиёсий. Жигар эхинококкозининг тажрибавий модели бўлган 10 та ҳайвондан иборат бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан кейин қолдиқ бўшлиқ 80% ли глицерин эритмаси билан ишлов берилган.

Тажрибаларнинг 3-серияси-қиёсий. Жигар эхинококкозининг тажрибавий модели бўлган 10 нафар ҳайвонлар бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан кейинги қолдиқ бўшлиқ албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан ишлов берилган.

Тажрибаларнинг 4-серияси-қиёсий. Жигар эхинококкозининг экспериментал модели бўлган 10 та ҳайвонлар бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан кейин қолдиқ бўшлиқни даволаш бўш липосомалар билан амалга оширилди.

Тажрибаларнинг 5-серияси-асосий. Жигар эхинококкозининг экспериментал моделига эга бўлган 10 та ҳайвондан иборат бўлиб, уларда эхинококкэктомиядан кейин қолдиқ бўшлиқни даволаш АЛШ-СД билан тажрибаларнинг 3,7,14,21,18-суткаларида фиброз капсулада ва жигар остидаги тўқималарда вақт ўтиши билан ўзгаришларни ўрганиш билан амалга оширилган.

Катта қўп қаватли липосомаларни олиш учун органик эритувчида эриган липид айланма буғлатгичда думалоқ тубли колбада қуруқ бўлгунга қадар буғланган. Олинган липид плёнкаси сувли тампон билан тўлдирилган ва бир мунча вақт ўтгач, шиша таёқ билан кучли аралаштирилган. Липосомага киритилмаган препарат сефадекса сақланган, ва намуна фақат киритилган моддани ўз ичига олган липосомалардан иборат бўлиб, у гамма ҳисоблагичда ўлчанган. Липосомаларни антипаразитар модда - албендазол сулфоксид билан тўлдирилган, у сувли эритмани оғиз орқали, тери остига, шунингдек, эхинококк кистаси бўшлиғини операция ичи гермицид сифатида даволаш учун юборилган.

Клиник текширувдан ташқари, жигар эхинококкларини ташҳислаш учун иммуносерологик реакциялар: билвосита гемагглютинация реакцияси, антиген боғловчи лимфоцитларни (АБЛ) аниқлаш ва бошқалар қўлланилган.

Одамнинг периферик қонида айланиб юрувчи антиген боғловчи лимфоцитларни микдорий рўйхатга олиш учун билвосита розетка ҳосил қилиш усули қўлланилган (Патент №1193, 1996 йил, Ўзбекистон Республикаси). Натижалар фоиз сифатида ўртача қийматлар орасидаги фарқ

сифатида ифодаланган; беморларнинг қонидаги АСЛ кўрсаткичлари 18-20 (мин) ёки ундан кўп фоизни ташкил этган. АСЛ нинг миқдорий кўрсаткичлари бевосита касалликнинг давомийлигига, жараённинг оғирлиги ва сурункалилигига, паразитнинг ривожланиш босқичига боғлиқ бўлган.

Ишда клиник, биокимёвий, морфологик, морфометрик, микробиологик, аналитик ва статик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Барча тадқиқот усуллари умумий (умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, сийдик таҳлили, коагулограмма, қоннинг кислота-асос ҳолати кўрсаткичлари, электрокардиограмма, рентгенография, УТТ, ЗГДФС, МРТ, КТ, МСКТ) ва махсус тадқиқот усулларига бўлинган: С-реактив оқсил (мг/л), ПКТ-прокалцитонин (мкмол/л).

Жигар эхинококкози билан касалланган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолашда ҳам назорат, ҳам асосий гуруҳда даволаш натижаларини қониқарсиз, қониқарли, яхши деб баҳолашга имкон берувчи мезонлардан иборат ишлаб чиқилган градация шкаласидан фойдаланилган.

Жарроҳлик аралашуви бажарилган беморларни даволашнинг узоқ муддатли натижаларини ўрганиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: клиник кўрув, қорин бўшлиғи аъзоларини ултратовуш текшируви ва компьютер томографияси, магнит-резонанс томография. Бунга қўшимча равишда, касалликнинг қайталаниш частотаси каби кўрсаткичлар баҳоланган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминот тўпламидан, жумладан, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан ва Windows учун BioStat дастуридан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилган.

Диссертация ишининг **“Жигар эхинококкозини ташҳислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижаларини ўрганиш”** деб номланган учинчи боби назорат гуруҳи беморларида жигар эхинококкозини даволашнинг анъанавий усуллари самарадорлигини таҳлил қилишга бағишланган. Беморларнинг назорат гуруҳининг умумий тавсифи берилган, беморларнинг назорат гуруҳида даволаш тадбирларининг хусусиятлари келтирилган, назорат гуруҳи беморларида асоратлар, ўлим даражаси, даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижалари таҳлили келтирилган.

2012-2016 йилларда даволанган 302 нафар беморнинг жарроҳлик даволаш натижалари таҳлил қилинган. Ушбу беморларнинг барчасида жарроҳлик аралашувларнинг асосий босқичи ўтказилгандан сўнг анъанавий усул бўйича 80%-100% ли глицериндан фойдаланилган ҳолда қолдиқ бўшлиқни ишлов бериш ўтказилган. Беморларнинг асосий контингентини 181 (59,7%) аёл беморлар ва 121 (38,4%) эркаклар ташкил қилган. Жигар эхинококкози билан касалланган беморларнинг ёши 15 дан 80 ёшгача ўзгарган. Беморларнинг кўпчилиги 21 ёшдан 60 ёшгача (76,1%), яъни энг меҳнатга лаёқатли ёшда бўлиб, бу ўрганилаётган ҳудудда эхинококкоз муаммосининг ижтимоий аҳамиятини яна бир бор исботлайди.

Назорат гуруҳидаги 302 беморнинг умумий сонининг 52,9% пациентда жигарнинг ўнг бўлагининг шикастланиши, 9,9% ида чап ва 4,6% ида биллобар

шикастланиш, 25% ида кўп сонли жигар эхинококкози, пациентларнинг 6,7% пациентда зарарланишнинг аралаш шакллари кузатилган. Жигар эхинококкозининг асоратланмаган шакллари 249 (82,4%) беморда, 53 (17,3%) ҳолатда асоратланган шакллари аниқланган.

Касалликнинг асоратланган кечиши 73 (24%) пациентда кузатилган, улардан 33 (11%) беморда кистанинг йиринглаш белгилари бўлган, уларга операциядан олдинги тайёргарликдан сўнг шошилинч-кечиктирилган жарроҳлик муолажаси ўтказилган. Қолган беморларда кистанинг қорин бўшлиғига ва ўт йўллариغا ёрилиши кузатилган. Шошилинч жарроҳлик аралашувлар, шунингдек, дастлаб ЭРПХГ амалга оширилган. Механик сариклик асоратларида эндоскопик папиллосфинктеротомия ўтказилган. Жигардан ташқари ўт йўлларида хитин қобиклари умумий ўт йўлларида санацияси ва унинг дренажи билан чиқариб ташланган.

Назорат гуруҳидаги энг яққол ўзгаришлар куйидагилардан иборат эди: пигмент алмашинувининг бузилиши, бу билирубин ишлаб чиқариш ва унинг гепатоцитларда конюгациясида ифодаланган, бунда охириги эса яққолроқ ифодаланган, ферментлар томонидан аниқланган, бу билан бирга келган. трансаминазалар (АЛТ, АСТ), ишқорий фосфатаза даражасининг ошиши ва беморларнинг қон плазмасидаги холинестераза даражасининг пасайиши, шунингдек, гипо- ва диспротеинемия билан намоён бўлган жигарнинг оқсил ҳосил қилувчи функциясининг бузилиши аниқланган.

Жигардан ташқари ўт йўлларида паразитар кистанинг кириб бориши билан асоратланган жигар эхинококкозида механик сарикликнинг клиник кўриниши пайдо бўлганда, беморларда холемия, интоксикация ва жигар етишмовчилиги белгилари кузатилиши билан ажралиб туради, бу эса жигар функциясининг ўзгаришига олиб келди. Шундай қилиб, билирубин даражаси юқори бўлиб, $106,2 \pm 20,3$ мкм/л ни ташкил этди, АЛТ ва АСТ қийматлари мос равишда $3,1 \pm 0,07$ мкмол/л.соат ва $2,6 \pm 0,02$ ммол/л.соат бўлиб барқарор юқориликка қолди.

Умумий оқсил ва унинг фракцияларида ўзгаришлар кузатилиб, албумин фракцияси камайган ва глобулин миқдори ортган. Жигарнинг оқсил ҳосил қилувчи функцияси умумий оқсил миқдори ва қон зардобидидаги албумин концентрацияси билан баҳоланган, уларнинг кўрсаткичлари жигар эхинококкозининг шаклига боғлиқ бўлган. Жигарнинг оқсил синтез қилиш функциясига эхинококк кистасининг йиринглаши сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Йиринглаган эхинококкоз билан оғриган беморларда қон зардобидидаги умумий оқсил миқдори $66,0 \pm 4,5$ г/л ни ташкил этди ва операциядан кейинги 8-10 кун ичида $75 \pm 2,6$ г/л гача кўтарилди. Албумин ва глобулин кўрсаткичларида ҳам худди шундай ўзгаришлар содир болди, уларга асоратланган кисталар сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Беморларнинг назорат гуруҳида қондаги прокалцитонин ва “С”-реактив оқсил даражаси ўрганилган.

Жигар эхинококкози билан касалланган беморларни инструментал текшириш травматикликни минималлаштириш ва паразитар кистага энг адекват жарроҳлик кириш йўлини танлаш имконини берган. Операциялар пайтида энг кўп юқори-ўрта лапаротомия (76,8%) ёки Федоров (19,8%)

бўйича ўнг томонлама қия қовурға ости кесмаси қўлланилган. Торакофренолапаротомия усулида (3,4%) кириш паразитар киста диафрагмаости соҳасида ёки жигарнинг орқа сегментларида локализацияланганида, шунингдек, қўшни аъзоларга (масалан, ўнг ўпканинг пастки қисмида) сезиларли ўсиб киришилар мавжуд бўлганда қўлланилди, бу киришда VII қовурғалараро бўшлиқ орқали қовурғали тоғай кесишади. Эхинококкэктомия бажарилгандан сўнг қолдиқ бўшлиқни 80-100% глицерин билан мажбурий ишлов бериш 10 минутлик экспозиция билан амалга оширилди, сўнгра бўшлиқ бартаф қилинди.

Жигардаги қолдиқ бўшлиқни бартаф қилишда эхинококкэктомиянинг ёпиқ усулига устунлик берилди. Жигар эхинококкининг асоратланган шаклларида поливинилхлорид дренаж трубкасини бўшлиққа киритиш орқали ярим ёпиқ усул қўлланилган ва бу ҳолатларнинг ҳеч бирида қолдиқ бўшлиқларни йўқ қилишнинг очиқ усули қўлланилмаган. Қолдиқ бўшлиқни йўқ қилиш усулини танлашда паразитар кисталарнинг жойлашиши, ҳажми, сони ва асоратларнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув қўлланилди.

Асоратланмаган эхинококк кисталари бўлган 82 (27,2%) беморда қолдиқ бўшлиқни йўқ қилиш учун бўшлиқда дренаж трубкасини қолдириб, Делбе капитонаж вариантдан фойдаланилган. Ушбу усул техник жиҳатдан қолдиқ бўшлиқнинг пастки қисмидан бошлаб фиброз капсуланинг деворларига босқичма-босқич кисетли чокларни қўллаш орқали амалга оширилди. Бундай ҳолда, қон томирлари ва ўт йўллариининг шикастланиши мумкин бўлиб, бу 11 беморда кузатилган.

Жигарнинг қолдиқ бўшлиғига фиброз капсуланинг бўш қисмларини инвагинация қилиш усули 88 (29,2%) беморда бажарилган, 74 (24,5%) ҳолатда қолдиқ бўшлиқни йўқ қилиш учун Р.П.Аскерханов бўйича оментопластика усули катта чарвининг лоскути ёрдамида озиклантирувчи оёқчада амалга оширилган, 20 (6,6%) пациентда эхинококкэктомия+парциал цистперицистэктомия+қолдиқ бўшлиқнинг абдоминизацияси ўтказилди. Ушбу усул жигар ичи ўт йўллари билан коммуникацияси бўлмаган, асоратланмаган, кичик ва ўрта ўлчамдаги эхинококк кисталарида бажарилган. 38 (12,5%) ҳолатда эхинококкэктомия ва қолдиқ бўшлиқни дренажлаш амалга оширилган. Операциядан кейинги асоратларнинг умумий сонидан 110 та ҳолатда специфик ҳолатлар кузатилган. ҚБ томонидан оғир асоратлардан бири билиар асоратлар бўлиб, улар ҚБ мавжудлиги ва дренажни олиб юришнинг давомийлигига таъсир қилади. Радикал жарроҳлик аралашувлардан сўнг, бу асоратлар 82 (27%) пациентда ҚБ га ўт оқмалари мавжудлиги кўринишида қайд этилган, улар барча ҳолларда мустақил равишда, қўшимча даволаш чораларисиз, $36 \pm 4,1$ кун ичида бартаф этилган. Ушбу тоифадаги беморларнинг 54 тасида (17,8%) ҚБ нинг йиринглаши кузатилган. ҚБ нинг тери орқали дренажи ултратовуш назорати остида амалга оширилди, кейин уларни антисептиклар билан санация қилиш ўтказилган. Кейинчалик антибактериал терапия буюрилди. Дренаж найчаси орқали оқма 2-3 ой давомида сақланиб қолди. Умуман олганда, ҚБ ни тўлиқ йўқ қилиш муддати тахминан $59,5 \pm 18,3$ ётоқ кунига тўғри келди. Тери

орқали минимал инвазив аралашувлар муваффақиятсизлиги сабабли, ушбу ҳолатларнинг бирида қорин бўшлиғида - релапаротомия, санация жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Қорин бўшлиғига қон кетиши 2 (0,6%) беморда содир бўлган, улардан бирида у камроқ интенсив бўлган ва консерватив гемостатик терапия билан тўхтатилган.

Яра асоратлари орасида 30 (9,9%) ҳолатда жароҳатнинг йиринглаши, 10 кишида (3,3%) лигатура оқмалари ва 5 тасида (1,6%) эвентрация ходисаси кузатилган. Жарроҳлик даволаш ва касалликнинг натижаси ҳам носпецифик яъни операциядан кейинги эрта даврда умумий асоратлар ривожланишига боғлиқ эди. Барча беморларга операциядан кейинги даврда паразитга қарши ва антибиотиклар билан даволаш курси буюрилди. Бироқ, операциядан кейинги турли муддатларда (1 йилдан 3 йилгача) биз ўрганган беморларда касалликнинг қайталаниш ҳолатларини ўрганилди. Бунда қуйидагилар маълум бўлди: касалликнинг қайталанишининг умумий 54 (17,8%) тасидан 38 (70,4%) ҳолатда асоратлар операциядан кейинги даврнинг биринчи йилида, қолган 16 (29,6%) ҳолатларда жарроҳлик муолажасидан сўнг кейинроқ (2-3 йил) содир бўлган. 2 беморда профилактик антипаразитар давони қўллаш фонида рецидивлар содир бўлди. Баъзи беморларда (тахминан 17%) турли сабабларга кўра узоқ муддатли натижаларни кузатишнинг имкони бўлмади.

Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги ЖЭ билан касалланган беморларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш, эхинококкэктомиядан кейин қолдиқ бўшлиқни антипаразитар даволаш воситаси сифатида 80% ли глицерин эритмасининг самарасизлигини кўрсатади.

Диссертация ишининг “**Ҳайвонларда экспериментал моделлаштирилган жигар эхинококкозини даволашда албендазолнинг липосомал шакли (АЛШ) самарадорлигини аниқлаш ва морфологик асослаш**” деб номланган тўртинчи боби жигар эхинококкозининг янги тажрибавий моделни ишлаб чиқиш ва тавсифлашга бағишланган. Жигар эхинококкозининг тажрибавий моделини ишлаб чиқиш тавсифи, жигар эхинококкозининг тажрибавий модели кечишининг клиник-лаборатор қиёсий хусусиятлари, уни гермицидлар билан паразитларга қарши даволашнинг турли усулларида кейин қолдиқ бўшлиқнинг морфологик ва морфометрик хусусиятлари намоён этилган.

In vitro тажрибаларни ўтказиш учун жарроҳлик пайтида эхинококк кистасини пункция қилиш натижасида олинган эхинококк суюқлигидан фойдаланилган. Бунда Петри идишларида 3 серия тажрибалар ўтказилган: Биринчи тажриба сериясида тирик сколекслар бўлган эхинококк суюқлигига 1:1 концентрацияда глицерин қўшилган ва ушбу сколексларнинг ҳолати 3, 5, 7,10 дақиқа экспозициядан кейин ўрганилган. Цитологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатганки, глицерин қўшилгандан 3 минут ўтгач, сколексларнинг барча таркибий элементларининг сақланиб қолиши қайд этилган. Шу билан бирга, сколекслар юмалоқ ёки овал шаклда, нисбатан катта, ташқи қобиғи барча фаол зоналар сақланиб қолган ҳолда силлиқ эди. Сколекс ичида структуравий органеллалар, шу жумладан паразитнинг ичак аппарати бўлган мембрана тузилмалари сақланиб қолган. Уларнинг барчаси

эксцентрик тарзда жойлашган ва юмалоқ шаклга эга бўлган. Гиалоплазманинг бошқа қисмларида сколекслар йирик донадор таркибнинг мавжудлиги билан аниқланган. Эхинококк суюқлигига глицерин қўшгандан кейин 5 минут ўтгач, ташқи қобик ва майда донадор гиалоплазманинг буришиши ва қалинлашиши туфайли сколекс ҳажмининг бироз пасайиши қайд этилган. 7 дақиқадан сўнг микроскопияда сколекс ва протосколекс ҳажмининг сезиларли даражада кичрайиши аниқланган, эксцентрик жойлашган ички элементларнинг паст фаоллиги қайд этилган, сколекс морфологияси деструкция томонга сезиларли даражада ўзгарган. 10 дақиқалик экспозициядан сўнг қуйидагилар қайд этилади: ички мембрана тузилмалари тушиб қолган ва бир хил ҳолатга келган, шунингдек, паразит марказига силжиган. Буларнинг барчаси унинг тўлиқ инактивациясидан далолат берган.

Тажрибаларнинг иккинчи сериясида, эхинококк кистасининг натив суюқлиги ушбу гермицид таъсирида сколекс ва протосколекснинг яшовчанлигидаги ўзгаришларни ўрганиш учун албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан аралаштириб ўрганилган. Бунда цитологик тадқиқот натижасида 3 дақиқали экспозициядан сўнг сколекс шакли ўзгармай қолганлиги аниқланган. 5 дақиқадан сўнг сколекс ва протосколекснинг морфологияси цитологик жиҳатдан ўзгарган, бу ташқи қаватнинг меъёрий шакллари ва тузилмаларининг буришиши ва йўқолишида намоён бўлган. Кейинчалик сколекс ва протосколекснинг чиқиши билан ташқи деворнинг яхлитлиги бузилган. Экспозициянинг 7-дақиқасида ички аъзоларнинг жойлашишининг эксцентриклиги сколекс ва протосколексларнинг эвагинация кўринишидаги яққол ифодаланган деструктив ўзгаришлари, ҳаракат фаоллигининг пасайиши ва паразитларнинг эмбрионал элементларининг яшаб қола олмаслигида намоён бўлган. Шундай қилиб, эхинококк суюқлигининг 7 дақиқали экспозициясида албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси мақбул антипаразитар таъсир кўрсатиш қобилиятига эга. Тажрибаларнинг учинчи сериясида АЛШ-СД концентрацияда (1:1) эхинококк суюқлигига қўшилди. Цитологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, АЛШ-СД нинг 3 дақиқалик таъсиридан сўнг, сколекснинг деформацияси тарзида уларнинг шаклининг ўзгариши, юзасида тушиб қолиш жойлари ва деструкция ўчоқларининг пайдо бўлиши қайд этилган. Бунда ташқи қобик бироз қалинлашган ва деформацияланган, гиалоплазмада эса кичик донадор қўшимчаларнинг йўқолиши қайд этилган, ичак аппаратининг мембрана тузилмалари ҳали ҳам кенгайган ва юмалоқ шаклда бўлиб қолган, аммо олдинги қатор тажрибалардагига қараганда анча кичикроқ бўлган. 5 дақиқадан сўнг, юза гиалоплазмада ҳам, ичкида ҳам яққолроқ деструктив ва инактивацияланган ўзгаришлар қайд этилган. Бунда ташқи мембрана қалинлашган ва гомогенланган, баъзи жойларда ички тузилмалар билан битишмалар ҳосил қилган. Ичак аппарати битишиб қолган тузилмаларда ифодаланган, унда мембрана ҳосилалари гомогенлашган бўлиб, чўзилган шаклга эга. Гиалоплазманинг кўп қисмида кичик донадор органеллалар бўлмаган ва бўшаган кўринишга эга.

Шундай қилиб, юқоридаги экспериментал тадқиқотлар 5 дақиқалик

экспозицияда 80% ли глицерин (назорат гуруҳи) ва албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан солиштирганда АЛШ-СД нинг яққол ифодаланган антипаразитар самарадорлигини исботлайди. АЛШ-СД дан қолдиқ бўшлиқни ишлов бериш усули сифатида фойдаланиш, шунингдек, жигар тўқималарининг тузилмаларига ножўя таъсирларнинг йўқлиги ушбу агентни клиник шароитда қўллашни тавсия қилиш ҳуқуқини беради.

Қуёнларда жигар эхинококкозининг тажрибавий модели биз таклиф қилган усул бўйича амалга оширилди (ихтирога патент, №1192-сонли гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Давлат патент идораси).


Ушбу моделнинг мавжуд моделлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, жигар паренхимаси қалинлигига имплантация қилишдан олдин инвазив эхинококк суюқлиги юборилган. Жигар эхинококкозининг экспериментал моделини яратиш учун 120 - 200 тирик сколекс ва протосколексни ўз ичига олган гидатидоз эхинококк кистасининг таркибидан фойдаланиш оптимал ҳолатдир. Агар эхинококк суюқлигида 100 дан кам тирик сколекс ва протосколекс бўлса, эхинококкоз моделини яратишнинг имкони бўлмаган, бунда бир гуруҳ қуёнларига 100 та жонли сколекс ва протосколексни ўз ичига олган инвазив эхинококк суюқлиги, иккинчи гуруҳ қуёнларига 200 та жонли сколекс ва протосколекс билан инъекция қилинган.

Тажриба ҳайвонларида жигарнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун уларнинг қонида умумий билирубин ва аланинаминотрансфераза миқдори аниқланган. Шундай қилиб, биз таклиф қилган жигарнинг гидатид эхинококкозининг тажрибавий модели тажрибанинг еттинчи қунида жигарнинг паразитар шикастланишини юзага келтиришга имкон берди.

Жигар эхинококкозида тўқималарда морфологик ўзгаришларни ўрганишда содир бўладиган гистологик ўзгаришлар бир қатор хусусиятларга эга. Бунда ҚБ ни ишлов беришда глицериндан фойдаланиш қуйидаги маълумотларни олиш имконини берди. ҚБ ни глицерин билан ишлов беришдан кейин 3-кунда мавжуд инфилтратнинг кенгроқ тарқалиши ва фиброз капсуланинг ўзида ҳам, унинг атрофидаги жигар тўқималарида ҳам иккиламчи яллиғланишли-деструктив ўзгаришлар мавжудлиги қайд этилган.

Операциядан кейинги даврнинг 7-қунида тотал продуктив васкулит ва панваскулит ривожланиши билан аъзо ичи томирларининг яллиғланишли-грануляцион реакциянинг пайдо бўлиши қайд этилган. Жигарнинг перифокал тўқималарида абсцессланиш ва некротик-деструктив яллиғланиш кўринишидаги яллиғланиш ҳодисаларининг ривожланиши қайд этилган.

Шундай қилиб, тажрибавий шароитда қолдиқ бўшлиқлар глицерин билан ишлов берилганда, фиброз капсулада қалин пиоген қобикқа эга ички некротик қатлам устунлик қилади. Операциядан кейинги даврнинг 3-қунида яллиғланиш инфилтрацияси ва некроз ҳажмининг ошиши қайд этилган. Бунда ушбу патоморфологик кўриниш тадқиқотнинг кейинги даврларида лимфогистиоцитар хужайралар фаоллигининг ошиши билан бирга келган. Қолдиқ бўшлиқни ўраб турган жигар тўқималарида лимфоид фолликулларнинг ривожланиши билан интерстициал яллиғланиш инфилтрациясининг мавжудлиги қайд этилди.




1-расм. Қолдик бўшлиқни албендазолнинг 2% ли эритмаси билан ишлов бериш, операциядан кейинги 3-кун. Гепатоцитларнинг чуқур вакуолли дистрофияси, баъзи жойларда некрозгача. Бўёқ гематоксилин-эозин (Кат: ок 10, х об 20)

Жигарнинг қолдик бўшлиғига операциядан кейинги давр динамикасида албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан ишлов берилганда, фиброз капсула ва перикистоз тўқимада қуйидаги морфологик ўзгаришлар кузатилган. Фиброз капсулани ўраб турган жигарнинг перикистоз тўқималарининг микроскопик текширувлари бўлақлар марказида жойлашган хужайралар некрози билан баллонли дегенерация шаклида гепатоцитларнинг диффуз шикастланиши билан тавсифланади. Жигарнинг тўлақонли димланиши ва ундаги сероз шиш кескин ифодаланган (1-расм). Жигар перикистоз тўқималарининг чекка ҳудудларида яққол ифодаланган гемодинамик бузилишлар ва токсик-дистрофик ўзгаришлар ҳам кузатилади, улар марказий вена ва синусоидларнинг кенгайиши, жигар хужайраларининг яққол ифодаланган вакуоляр ва гиалин-томчили дегенерацияси билан намоён бўлди.

Тажрибанинг 7-кунида ҳайвонлар жуда пассив, адинамик, яққол вазн йўқотиш ва жунларининг тўкилиши билан ажралиб турган. Тажрибавий ҳайвонларнинг эхинококкли интоксикациядан ўлиши ва иккиламчи инфекция қўшилишининг кам сонли ҳолатлари мавжуд. Қорин бўшлиғини очиш ва визуал текширишда жигар тўқималари хиралашган, парчаланган ва қон қуйилиш ўчоқлари мавжуд. Кистанинг фиброз капсуласи очилганда, тирик қиз пуфакчалари аниқланади. Микроскопияда бевосита жигар паренхимасидаги имплант атрофида некроз зонаси аниқланади. Некрозга қўшни ҳудудда жигар тўқималарида яққол ифодаланган сероз шишли, жигар балкалари деформацияланган, гепатоцитлар атрофияси кузатилади, улар гиалин-томчили дегенерацияси ва некроз ҳолатида. Яллиғланиш реакцияси аҳамиятсиз бўлиб, некроз атрофида кам сонли лейкоцитлар ва лимфцитлар билан ифодаланади, бу ерда қон томир триадаси ҳам деформацияланган, ундаги қон томирлари кенгайган ва улар атрофида бироз яллиғланишли инфилтрация мавжуд (2-расм).

Ўт йўлининг девори ингичкалашган, бўш, айрим жойларда узилган. Қоплочи цилиндрик эпителий, цитоплазманинг бўкиши ва ядроларнинг гипертрофияси ҳисобига нотекис қалинлашган. Баъзида эхинококк сколексларининг эпителийга ёпишиши ва эпителиал қоплам орқали тўқима

ичига инвазияси кузатилиши кузатилади. Атрофдаги жигар тўқимаси гиалинли-томчили дистрофия ва некроз ҳолатида. Жигарнинг чекка соҳаларида тажрибанинг ушбу муддатларида балкалараро бўшлиқнинг, томирлар атрофидаги бўшлиқ, айниқса ўт йўллари атрофида кенгайиш кузатилади. Диссенинг ушбу кенгайган бўшлиқларида эозинофилли ҳосилалар топилади. Купфер ҳужайралари томонидан реакция кузатилмайди. Гепатоцитлар турлича катталиқда, уларнинг цитоплазмаси оқсилли дистрофия ҳолатида.



2-расм. Қолдиқ бўшлиқни албендазолнинг 2% ли эритмаси билан ишлов бериш, даволаш бошланганидан сўнг 7-кун. Фиброз капсула атрофида жигар тўқимаси некрози. Гематоксилин-эозин билан бўялган. (Кат: ок 10, х об. 20).

Микроскопик текширувда жигар тўқималарининг қолдиқ бўшлиғи айланасининг, некроз ҳудудларининг катталашиши, яллиғланиш реакцияси эса сероз яллиғланиш ва бир оз лейкоцитлар инфильтрацияси билан ифодаланади. Жигар тўқимаси пастроқ ифодаланган сероз шишли. Жигарнинг бошқа бўлақларида, тажрибанинг ушбу муддатида, гепатоцитларнинг яққол баллонли дегенерацияси, айниқса жигар бўлақларининг марказий қисмларида кузатилади.

Бўлақлар периферияси бўйлаб жигар паренхимасининг кичик майдонлари аниқланади, бу ерда гепатоцитлар камроқ дистрофик. Марказий вена кенгайган, унинг девори юпқалашган ва бузилган, бўлакли эозинофил масса, йўқ қилинган ҳужайраларнинг бўлақлари мавжуд бўлиб, бу эхинококкнинг токсик таъсири ва йўқ қилинган ҳужайралар бўлақларининг натижасидир. Тажрибанинг кечки босқичларида (21 ва 28-кунлар) баъзи ҳайвонлар препаратнинг токсик таъсиридан нобуд бўлган. Омон қолган ҳайвонлар пассив, ҳаракатсиз бўлиб, сезиларли даражада вазн йўқотишган.

Жигар тўқимасини микроскопик текширишда фиброз капсула атрофида некроз ўчоқлари, нейтрофил лейкоцитлар устунлик қилган яллиғланиш инфильтрацияси ҳамда некроз ва йиринглаш ўчоқлари бўлган яққол яллиғланишли грануляция тўқималарининг шаклланиши аниқланади. Ушбу инфилтрат баъзи жойларда жигар тўқималарига кириб, лимфогистиоцитар ҳужайраларнинг массив майдонларини ҳосил қилади, улар орасида сақланиб қолган псевдолобуляр жигар ҳужайралари ороллари аниқланади.

Таъкидлаш жоизки, тажрибавий жигар эхинококкози бўлган ҳайвонларда периферик қондаги умумий билирубин миқдори $16,7+1,2$ мкм/л,

бунда АЛТ-2,3+1,6 мкм/л, АСТ-2,1+1,2 мкм/л. Қолдиқ жигар бўшлиғини 2% ли албендазол эритмаси билан ишлов берилгандан кейин тажрибанинг 21,28 кунларида қондаги умумий билирубин меъерий диапазонда қолди-15,8+1,4 мкм/л, бироқ АЛТ-2,4+2,1 мкм/л, АСТ-2,2+1,8 мкм/л ни ташкил этган. Ушбу биокимёвий маълумотлар жигарнинг тажрибавий эхинококкози пайтида жигарда албендазол таъсирида содир бўлган морфоструктуравий ўзгаришларни яна бир бор тасдиқлайди, яъни жигарнинг бир қатор ҳаётий зарур функциялари бузилади. Эхинококкэктомия пайтида жигарнинг таркибий ва функционал хусусиятларининг динамикасини ўрганиш қолдиқ бўшлиқни бўш липосомалар билан даволашда бошқа ҳайвонлар гуруҳларидан аниқ фарқларни аниқлашга имкон берди. Микроскопик текширувда фиброз капсулада эхинококк паразитининг элементлари аниқланмайди. Хитин қобик атрофида инфилтрат макрофаглар, лейкоцитлар ва лимфоцитлар демаркация яллиғланиш валини ҳосил қилиш билан ифодаланади. Таъкидлаш жоизки, тажрибанинг 3-суткасида бошлаб жигарнинг ретикулоэндотелиал тизимининг Купфер хужайраларининг гипертрофияси шаклида фаоллашиши қайд этилади, бу эхинококкнинг токсик таъсирининг пасайиши ва яхшиланишни кўрсатади. Жигар стромасида ва томир деворларида қолдиқ бўшлиққа туташган ҳудудда некробиоз ва некроз ўчоқлари ривожланиши билан толали тузилмаларнинг кўполлашиши, балкаларнинг дисконкомплексацияси ва гепатоцитларнинг чуқур оксилли дистрофияси кузатилади. Таърифланган зона атрофида жигарнинг сероз шиши билан венотўлақонлик мавжуд.

Жигарга қўшни тўқималарда марказий вена ва жигар бўлакчаларининг синусоидлари кенгайиши кузатилади. Синусоидлар деворларида Купфер хужайралари бироз гипертрофияланган, моноцитлар ва қон лимфоцитлари уларга ёпишган. Жигарнинг қолдиқ бўшлиғи тўқималаридан узоқ жойларда венотўлақонлик ва жигарнинг сероз шиши қайд этилади. Препаратнинг токсик таъсири камроқ ифодаланган ва фақат учлик атрофидаги тўқималарнинг шиши ва синусоидларнинг кенгайиши билан намоён бўлади. Жигар балкалари аниқ ажралиб туради, гепатоцитларнинг цитоплазмаси дистрофик ўзгаришларсиз бир текисда бўялади, баъзи гепатоцитлар ядроларининг ўртача гипертрофияси ва икки ядроли хужайралар аниқланади.


Қолдиқ жигар бўшлиғини бўш липосомалар билан даволашдан кейинги 7-кун, эхинококк бўшлиғининг қолдиқ зонасида макроскопик, зич капсуланинг шаклланиши ва фиброз капсуланинг жигар тўқимасидан аниқ чегараланганлиги кузатилади. Қолдиқ бўшлиқни очишда суюқлик ҳажмининг пасайиши ва унинг ўртача лойқалиги кузатилади.

Жигардаги қолдиқ бўшлиқни микроскопик текширишда парчаланган ва ўлик сколекслар ва протосколекслар аниқланади. Фиброз капсула зич ёпишган ва ички зич гиперхром некротик қатламдан, ўртача фиброз - яллиғланиш қатламидан ва жигар тўқималарига туташган ташқи бироз шишган қатламдан иборат. Сколекслар ва протосколекслар капсулада аниқланмайди.

Гепатоцитларда лойқа бўкиш кўрниши аниқланади, ядролар гипертрофияланган ва гиперхромли. Икки ядроли хужайралар аниқланади.

Ўчоқдан узоқлашилганда, жигарда балкалараро-бўшлиқнинг енгил шиши, Купфер хужайраларининг гипертрофияси ва лимфогистиоцитар инфильтрация аниқланади. Ушбу соҳаларда гепатоцитлар орасида кенг ва ёрқин цитоплазмаси бўлган хужайралар аниқланганлиги, уларнинг ядроси ҳам марказда жойлашган катта, икки ядроли хужайралар мавжудлигига эътибор қаратилади. Бу гепатоцитларнинг регенератор фаоллигининг тезлашишига гувоҳлик қилади. Жигарнинг барча тўқималарида Купфер хужайраларининг бир қанча гипертрофияси, синусоидлар ва қон томирлари деворларининг қалинлашиши кузатилади. Гепатоцитлар лойқа бўқиш ҳолатида, бу уларнинг компенсацион-мослашув реакциясини кўрсатади.

Қолдиқ жигар бўшлиғини липосомалар билан ишлов беришдан кейинги 21-кун визуал равишда қорин парда ва жигар юзаси, аввалги муддатлардан фарқли ўлароқ, ялтироқ, фибриноз карашсиз. Қорин парда, ичак қовузлоқлари, чарви ҳам ялтироқ, эхинококк билан ифлосланиш ўчоқлари йўқ. Очилгандан сўнг, фиброз капсула сезиларли даражада қалинлашган, ҳажми камайган. Бунда жигар паренхимаси айланаси меъёрий тузилишга эга. Микроскопик текширувда фиброз капсула қалин бўлиб, бириктирувчи тўқима толалари ва фиброцитлар тўпламлари билан ифодаланади. Шунини таъкидлаш керакки, у зич фиброз тўқималардан иборат (3-расм). Бунда қон томирларининг кенгайиши, лимфоцитлар пролиферацияси ва гипертрофия, эндотелиал хужайраларнинг кўпайиши туфайли уларнинг деворларининг қалинлашиши кузатилади. Ушбу ҳудудларда Диссе бўшлиғининг кенгайиши, Купфер хужайраларининг гипертрофияси ва лимфоцитларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Тажрибанинг 28-кунида ҳайвонларнинг ҳолати сезиларли даражада яхшиланади. Бир оз вазн кўшиши, теридаги жарроҳлик ярасининг тузалиши тугалланади. Қорин бўшлиғини очганда қорин парда силлиқ ва ялтироқ, оқ-қулранг ранга эга, яллиғланиш ва гиперемия белгиларисиз. Эхинококк қиз пуфакчаларининг ифлосланиш ўчоқлари йўқ. Қолдиқ бўшлиқ ҳажми сезиларли даражада камайди ва фиброз тўқима ўткир яллиғланиш жараёнининг белгиларисиз. Фиброз капсулани очишда таркибнинг резорбциясининг тўлиқ йўқ қилиниши қайд этилади. Капсула атрофида жигар тўқимаси меъёрий тузилишга эга.



3-расм. Жигарнинг қолдиқ бўшлиғини липосомалари билан ишлов берилганидан кейинги 21-кун. Фиброз капсула сезиларли қалинлашган, ҳажми кичрайган. Гематоксилин-эозин билан бўялган. (Кат: ок 10, х об. 20).

Жигарнинг қолдиқ бўшлиқдан узокда бўлган жойларида, бўш липосомалар билан даволашда, гепатоцитлар ядроларининг янада яққол ифодаланган гипертрофияси, кўп сонли икки ядроли хужайралар пайдо бўлиши кузатилади, бу липосомаларнинг гепатоцитларнинг регенератив қобилиятига фаол таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга, томирлар атрофида лимфоид инфилтрациялар қолади. Бўш липосомаларнинг киритилишида даволашсиз ва албендазол билан ўтказилган тажрибаларга қараганда гепатоцитлардаги дистрофик ўзгаришлар камроқ ифодаланган. Бўш липосомалар гепатопротектив самарага эга.

Бўш липосомалар билан даволашда АЛТ ва АСТ ферментларининг фаоллиги, ферментларнинг фаоллиги юқори бўлган даволанмаган ҳайвонлар гуруҳига нисбатан биров пасаяди ($1,7+0,33$ дан $1,4+0,7$ гача, мкмол/л гача). Жигарда димланишли тўлақонлик ва сероз шиш камроқ ифодаланган.

Жарроҳликдан кейинги дастлабки босқичларда жигарнинг қолдиқ бўшлиғини бўш липосомалар билан ишлов беришдан фойдаланилганда, қон томирлари ва синусоидлар деворларини мустаҳкамлаш, шунингдек, базал мембраналар мустаҳкамлигини ошириш орқали паразитнинг жигар тўқималарига токсик таъсирини олдини олади. Бунинг натижасида, жигар паренхимасида токсик ўзгаришлар камроқ ифодаланади. Липосомалар хужайралар ва хужайралараро тузилмаларнинг мембрана тузилмаларини ташкил этувчи фосфолипидлар ва липопротеинларнинг метаболизмини яхшилади, шу билан гепатоцитларни дистрофик ўзгаришлардан ҳимоя қилади ва уларнинг регенератив қобилиятини рағбатлантиради. Шундай қилиб, липосомаларнинг яққол гепатопротектив самараси кўзга ташланади.


Албендазол сульфоксидининг липосомал шакли (ЛФА-СД) ёрдамида тажрибавий эхинококкозни даволашда қолдиқ бўшлиқни даволашда жигар морфологияси ва функциясини ўрганиш натижалари. Фиброз капсула соҳасида, очилганда, жигар одатий рангга эга, унинг капсуласи ялтироқ. Кесмада жигар тўқимаси оч-жигарранг рангда. Макроскопик текширув шуни кўрсатдики, микроскопик равишда қолдиқ бўшлиқ таркибида кам сонли ўлик сколекслар ва протосколекслар аниқланади.

Қолдиқ бўшлиқ атрофида макрофаглар, лейкоцитлар ва лимфоцитлардан иборат яллиғланишли демаркацион валнинг мавжудлиги аниқланади. Жигар тўқималарида ушбу ўчоқ атрофида ўзгаришлар минимал бўлиб, улар фақат қон томир гиперемияси, оралиқ тўқималарнинг енгил шиши ва Купфер хужайралари ва макрофагларнинг фаоллашишида намоён бўлади. Жигарда балкали тузилиш сақланиб қолади, гепатоцитларнинг цитоплазмаси лойқа бўкиш ҳолатида. Жигарнинг фиброз капсуладан узокда жойлашган жойларида тавсифланган муддатларда қон томирларининг бир оз гиперемияси ва синусоидларнинг кенгайиши аниқланади. Купфер хужайралари гиперплазияланган ва гипертрофияланган, бу жигарнинг моноцитар-макрофагал тизимининг фаоллашишини кўрсатади. Портал трактларда лимфоид хужайралар пайдо бўлади. Гепатоцитлар балкали йўналишини сақлайди, уларнинг цитоплазмаси кенг ва кичик донадор. Ядролар ҳам шунингдек гипертрофияланган ва гиперхром.

Тажрибанинг 7-кунида ҳайвонлар асл вазнини сақлаб қолади, фаол,

ҳаракатчан, овқатни яхши қабул қилади, қуён мўйнаси ўзгаришсиз. Теридаги жарроҳлик яраси иккиламчи яллиғланиш ва йиринглаш белгиларисиз тузалиш босқичида. Қорин бўшлиғини очганда, қорин бўшлиғида эркин суюқлик йўқ. Қорин парда силлиқ, ялтироқ, эхинококк билан ифлосланиш ўчоқларисиз. Эхинококк кистасининг қолдиқ бўшлиғи ва жигар юзаси тоза.

Қолдиқ бўшлиқ ўлчамлари кичрайган ва оқиш фиброз капсула билан зич ўралган. Қолдиқ бўшлиқни микроскопик текширишда сколекс ва протоколекслар аниқламайди. Жигар тўқималари кесмада одатдаги рангда. Микроскопик текширув пайтида фиброз капсуланинг зичлашуви диққатни тортади. Бевосита унинг атрофида инфилтрат бўш, шишли, макрофаглар, лимфоцитлар ва грануляр лейкоцитлардан иборат бўлади. Тавсифланган демаркацион валга туташган жигар тўқимасида жигар паренхимасининг яққол сероз шиши ва хроматинга бой ядроларнинг кўпайиши билан Купфер ҳужайраларининг гипертрофияси диққатни тортади. Гепатоцитларда ўртача баллонли дистрофия. Диссе бўшлиғида лимфоцитлар ва плазматик ҳужайралар аниқланади. Жигар балкалари деформацияланган ва ғалати чигал ҳосил қилади, гепатоцитларнинг цитоплазмаси майда донадор, ядроси гипертрофияланган, икки ядроли ҳужайралар мавжуд. Уларнинг ядролари асосан гипертрофияланган, гиперхром ва икки ядроли ҳужайралар мавжуд (4-расм). Балкалараро бўшлиқлар ўртача даражада кенгайган, унинг атрофида гипертрофияланган Купфер ҳужайралари, макрофаглар ва лимфоцитлар жойлашган. Тажрибанинг 14 ва 21-кунларида ҳайвонларнинг ҳолати қониқарли, улар фаол ва ҳар қуни вазн олади, овқатни бажонидил қабул қилишади. Жарроҳлик яраси бирламчи битиш билан тузалади, юмшоқ чандиқ ҳосил қилади, охиргиси тоза ва силлиқ. Қорин бўшлиғи аъзоларини визал кўрувда аъзолар кўзга кўринадиган патологик ўзгаришларсиз. Қорин бўшлиғида эркин суюқлик йўқ, қорин парда тоза, ялтироқ, оқиш-пушти рангга эга.




4-расм. Жигарнинг қолдиқ бўшлиғини ЛФА-СД билан ишлов берилганидан кейинги 7-кун. Гематоксилин-эозин билан бўялган. (Кат: ок 10, х об. 20).

Жигар ва талоқ ўлчамлари катталашмаган. Жигарнинг қолдиқ эхинококк бўшлиғи ҳажми кескин кичрайган, зичлашган ва зич фиброз капсула билан ўралган. Кистанинг қолдиқ бўшлиғининг бириктирувчи тўқима билан тўлиши кузатилади. Микроскопияда эхинококк паразитининг эмбрионал элементлари аниқланмайди. Жигарни ўраб турган тўқима одатдаги консистенция ва рангга эга.

Фиброз капсуланинг атрофида лимфогистиоцитар инфилтрациянинг кичик майдонлари мавжуд.

Гепатоцитларнинг цитоплазмаси одатдаги тузилишга эга, уларнинг ядролари бироз гипертрофияланган ва гиперхром.

Тажрибанинг 21-кунда жигар тўқималарида микроскопик равишда гепатоцитларнинг ташқи мембранаси ва синусоидлар деворининг яққол қалинлашиши кузатилади. Жигарнинг сероз шиши камроқ ифодаланган. Купфер хужайраларининг гипертрофияси сақланиб қолади, балкалараро бўшлиқда фаол лимфоцитлар аниқланади. Гепатоцитларнинг цитоплазмаси кенг ва бир хил тусда, ядролари гипертрофияланган ва гиперхром. Тажрибанинг 28-кунда ҳайвонлар фаол, ҳаракатчан, вазн ортиши қайд этилган. Лапаротомия яраси жойида чандиқ бор, зич консистенцияли, тоза. Қорин бўшлиғида эркин суюқлик аниқланмайди. Қорин парда силлиқ, тоза ва ялтироқ. Очилгандан сўнг, фиброз капсула кескин қалинлашган ва унинг ўрнини зич бириктирувчи тўқима эгаллаган. Жигар тўқимаси кесмада одатдаги рангда ва консистенцияда. Қорин бўшлиғида ифлосланиш жойлари аниқланмайди. Шундай қилиб, жигар эхинококкиннинг қолдиқ бўшлиғини даволашда ЛФА-СД ёрдамида ишлов бериш ижобий натижаларга олиб келади. Ушбу препарат энг тез кириб борувчи таъсир кўрсатади, шунинг учун тажрибанинг дастлабки босқичларида ҳайвонларнинг ҳолати яхшиланади. ЛФ-СД дан фойдаланганда, аксарият ҳолларда қиз эхинококк кисталари билан ифлосланиш йўқ. Липосомалар жигар тўқималарига кириб бориб стромал элементларни мустаҳкамлаган, хусусан, Купфер хужайраларини фаоллаштирган, синусоидлар деворларини ва гепатоцитларнинг ташқи мембранасини қалинлаштиради, бу гепатоцитларни эхинококк таркибининг токсик таъсиридан ҳимоя қилади. Агар жигар паренхимасида ифлосланишнинг кам сонли ўчоқлари ривожланган бўлса, тажрибанинг узок муддатларида дорилар таъсирида макрофаглар томонидан парчаланиш, деструкция ва фагоцитоз билан тугатилган.



5-расм. Қолдиқ бўшлиқни ЛФАВ билан ишлов берилгандан кейинги 21-кун. Синусоидлар деворининг қалинлашуви, Купфер хужайралари гипертрофияси, иккиядроли гепатоцитларнинг пайдо бўлиши. Гематоксилин-эозин билан бўялган. (Кат: ок 10, х об 40).

Тажрибавий тадқиқотлар шуни исботладики, ЛФА-СД албендазолнинг эркин шакли таъсиридан фарқли ўлароқ, паразитнинг эмбрионал элементларига яққол ифодаланган сколексоцид таъсир кўрсатган, бунда жигар мембранаси ва органоид тузилмаларини сақлаб қолиб, атрофдаги жигар тўқималарига таъсирловчи ва денатурацияловчи таъсир кўрсатмайди.

ЛФА-СД албендазолнинг токсик бўлмаган метаболитидир, бу тўқима паразитларига қарши энг самарали ҳисобланади.

Ҳайвонларда олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар эхинококкэктомиядан сўнг қолдиқ бўшлиқни даволашда ЛФА-СД самарадорлигини зарур даражада тўғри баҳолашга имкон берган (“тажрибада жигар эхинококкозини даволаш усули” Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан берилган 1171-сонли патент гувоҳномаси 22.05.1998й.), бу тажриба натижаларини жигар эхинококкози жарроҳлигининг клиник амалиётига экстраполяция қилиш имконини беради, бунга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги этика қўмитасининг ижобий қарорлари олинган.

Диссертация ишининг **“Жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашда турли хил гермицидлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш”** деб номланган бешинчи боби жигар эхинококкозини жарроҳлик даволаш натижаларини қолдиқ бўшлиқларни албендазолнинг 2% ли эритмаси ва албендазол сулфоксиднинг Липосомал шакли билан ишлов беришда баҳолашга бағишланган.

II “А” асосий гуруҳ беморларида қолдиқ бўшлиқларини ишлов беришда назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қиладиган тадқиқот натижалари олинди. Беморларнинг ўрганилган асосий гуруҳидаги энг яққол ўзгаришлар жигарнинг пигмент ҳосил қилиш функциясининг бузилиши бўлди. Беморларнинг ушбу гуруҳида жигарнинг асоратланмаган эхинококк кисталари 61 (74,3%) беморни, ушбу гуруҳдаги асоратланган кисталар 21 (25,6%) пациентдан иборат бўлди.

ЖЭ нинг асоратланмаган шаклида жигар тестларининг кўрсаткичлари кам ўзгарган, аммо ЖЭ нинг асоратланган шаклларида улар яққол ошган бўлган. Адекват операция ва гепатопротектор даводан сўнг билирубин, АЛТ, АСТ кўрсаткичлари операциядан 10-15 кун ўтгач пасайиш тенденциясига эга бўлган. Жигар эхинококкозининг асоратланган шаклида қондаги умумий оқсил ва оқсил фракциялари кескин камайган. Яққол ифодаланган гипопро테인емия ҳодисалари билан умумий оқсил 50 г/л дан паст даражага етган. Йиринглаш ҳодисаси билан паразитар киста тананинг яққол интоксикацияси ҳодисасига олиб келган. Операциядан олдинги даврда, жигарнинг эхинококк кистасининг йиринглашида қондаги умумий оқсил, албумин ва глобулин фракциялари кўрсаткичлари камайган, фақат операциядан кейинги даврнинг 7-10-кунларида умумий оқсил кўрсаткичлари яхшиланган.

Умуман олганда, қолдиқ бўшлиқни албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан 7 дақиқалик экспозициясидан сўнг, операциядан кейинги эрта даврдаги асоратлар қуйидагича эди: 4 ҳолатда операциядан кейинги даврда ўтли оқма ривожланди, яъни қолдиқ бўшлиққа киритилган дренаж найчасидан узоқ вақт давомида сафро чиқарилди, яъни аста-секин ўтли оқма шаклланди. Ушбу оқманинг мустақил равишда ёпилиши учун $28,2 \pm 4,1$ кун талаб қилинди. Қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши 10 ҳолатда кузатилди, бу беморларга албендазолнинг 2% ли сувли эритмаси билан бўшлиқни санация қилинди, рационал антибактериал терапия қўлланилди. Узоқ муддатли

дренаж (2 ойгача) беморларнинг 10 ҳолатида кузатилган.

Асоратланмаган жигар эхинококкозида прокалцитонин ва С-реактив оқсил операциядан олдин ўртача ошган, операциядан кейинги даврда эса меъёргача камайган. Кистанинг қолдиқ бўшлиғининг йиринглашида бу кўрсаткичлар бир неча барабар юқори бўлган. Қолдиқ бўшлиқда яллиғланиш жараёни давом этса, операциядан кейинги даврда ҳам бу кўрсаткичлар юқори бўлиб қолган.

Ёпик эхинококкектомияни бажаришда операциядан кейинги даврда 4 (4,8%) ҳолатда қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши кузатилди. УТТ назорати остида абсцесс зонасининг пункцияси амалга оширилди, аспирацион-ювиш тизимини ўрнатиш учун йиринг кейинги микродренаж билан эвакуация қилинди. Йирингли ажралманинг сезгирлиги ва флораси аниқланди, шундан сўнг рационал антибактериал даво ўтказилди. Вақт ўтиши билан ажралма камая бошлади, қолдиқ бўшлиқ ҳажми камайди, сўнгра қолдиқ бўшлиқнинг редукцияси учун $59,5 \pm 18,3$ кун талаб қилинди. Бир ҳолатда (7,1%) тери орқали пункция ва минимал инвазив аралашув амалга оширилди, аммо даволанишнинг муваффақиятсизлиги реллапаротомия, санация ва қолдиқ бўшлиқни дренажлашга олиб келди.

Яра томонидан 16 (19,5%) беморда яранинг йиринглашига, сероомаларнинг пайдо бўлишига, лигатурали оқмаларнинг пайдо бўлишига ёрдам берадиган асоратлар бўлган. Операциядан кейинги яранинг йиринглаши 9 (10,9%) ҳолатда, серома 3 (3,6%) ҳолатда, яралар ва лигатура оқмалари 4 ҳолатда (4,8%) кузатилди. Жарроҳликдан сўнг 3 (3,6%) беморда плевропневмония, 3 (3,6%) юрак-қон томир етишмовчилиги ва яна 2 тасида (2,4%) жигар-буйрак етишмовчилиги ривожланган.

Операциядан кейинги даврдаги барча беморларга албендазол билан беморнинг вазнига 10-12 мг/кг 28 кун давомида 14 кунлик курслар орасидаги танаффус билан химиотерапия курси буюрилди. 6 беморда 1 йилдан 3 йилгача муддатда касалликнинг қайталаниши кузатилди.

II-Б асосий кичик гуруҳга 83 бемор киритилган. Дифференциал ташҳисот учун эхинококк билан оғриган беморларнинг қонида эхинококк суюқлигидан антиген билан реакцияга киришувчи антиген боғловчи лимфоцитлар (АБЛ) ни аниқлаш асосида жигар эхинококклари учун такомиллаштирилган иммунодиагностик тест таклиф қилинди ва қўлланилди (1996 йил 23 декабрдаги №1193-сонли Ўзбекистон Республикаси ихтиро патенти). ЖЭ да серологик реакцияларнинг диагностик аҳамиятини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, АБЛ реакцияси РНГА билан таққослаганда энг аниқ ва маълумотли бўлган. Жигар эхинококкозининг асоратланган шаклида РНГА беморларнинг 50% да салбий, бир вақтнинг ўзида беморларнинг 93,6% да АБЛ реакцияси ижобий бўлган.

Эхинококк билан оғриган беморларнинг қонида АСЛ ни аниқлаш учун иммунодиагностик тест 93,6% кузатувларда юқори маълумотли ташҳисот усули бўлиб чиқди, хусусан эхинококк антигени билан реакцияга киришди. АБЛ усулининг аниқлиги 94,8%, сезгирлиги 93%, спецификлиги 96,7% ни ташкил қилди. Албендазол сульфоксиднинг липосомал шаклини қолдиқ бўшлиқни антипаразитар ишлов беришда ишлатилган асосий II-Б кичик

гуруҳининг 83 беморини даволаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жигар эхинококкозининг асоратланмаган шакллари 62 (71,6%) да кузатилган, касалликнинг асоратланган шакли эса 21 (25,4%) пациентда бўлган. Эхинококк кисталари кўпинча жигарнинг ўнг бўлагида жойлашган эди-59 (72%), 17 (20%) тасида жигарнинг чап бўлагида, 7 (8%) тасида жигарнинг иккала бўлагида жойлашган.

Қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлилларини ўрганишда, барча беморларда олдинги гуруҳга ўхшаш сезиларли силжишлар қайд этилди. Уларнинг 55% ида қоннинг умумий таҳлилида, хусусан гемоглобин, лейкоцитлар, ЭЧТ, эозинофиллар ва билирубин метаболизми, оқсил фракциялари, фермент таркибини ўз ичига олган биокимёвий қон таҳлилларида ўзгаришлар аниқланди. Албендазол сулфоксиднинг липосомал шаклининг қолдиқ бўшлиқни ишлов беришда II-Б асосий гуруҳида жигарнинг функционал фаоллиги кўрсаткичларининг ўзгариши қуйидаги жадвалда келтирилган (жадвал-1).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҚБ ни ЛФА-СД билан ишлов беришда ишлатиладиган гермициднинг яққол ифодаланган гепатопротектив самараси, шунингдек, бузилган жигар функцияларининг тикланиши кузатилади. Жигарнинг асоратланмаган эхинококкозида прокалцитонин ва “С”-реактив оқсил операциядан олдин ўртача кўтарилган ва операциядан кейинги даврда бу кўрсаткичлар пасайган. Бироқ, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглашида бу кўрсаткичлар 1,5 бараварга юқори бўлган, фақатгина операциядан кейинги даврнинг силлиқ кечишида бу кўрсаткичлар камайган ва меъёрий қийматларга яқинлашган (операциядан 3,7 сутка ўтгач).

1-жадвал

Жигар қолдиқ бўшлиғини ЛФА-СД билан ишлов беришда асосий гуруҳда жигарнинг функционал фаоллиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Келган вақтида	Операциядан кейинги суткалар		
		1	5	7
Ум.билирубин мкмоль/л:	15,50±0,21	19,3±0,33*	13,99±0,21	13,68±0,25
Бевосита	1,59±0,02	1,10±0,03*	1,02±0,03*	1,79±0,03*
Билвосита	13,91±0,17	18,2±0,31*	12,27±0,30	11,88±0,21*
АСТ мкмоль/л	0,28±0,01	0,62±0,01*	0,27±0,01	0,25±0,01
АЛТ мкмоль/л	0,18±0,01	0,65±0,01*	0,20±0,01	0,17±0,01
ИФ ммоль/л	0,60±0,02	0,90±0,02*	0,63±0,03	0,58±0,02
Холинэстераза ммоль/л	266,42±4,66	256,22±5,98*	262±10,06	264,16±6,52
Ум.оқсил г/л	65,50±1,12	62,03±1,55*	63,28±1,90	64,30±1,46
Альбумин %	53,41±1,12	41,30±1,03*	45,10±2,12*	52,16±1,28

Изох: * - қабул пайтидаги маълумотлар билан солиштирганда ишонарли (P<0.05)

Яллиғланиш жараёни давом этганда, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши, узоқ муддатли дренаж олиб юриш ПКТ ва С-реактив оқсил кўрсаткичлари юқори қийматларда қолган. Бу прокалцитонин ва “С”-реактив оқсил

даражаси яллиғланишнинг башоратчиси эканлигини ва уларнинг кўрсаткичлари даволаш самарадорлигини баҳолай олишини яна бир бор исботлайди. Операциядан олдинги даврда эхинококк кисталарининг йиринглаш белгилари бўлган 3 (3,6%) нафар беморлар антибактериал ва яллиғланишга қарши даволаш курсини олдилар. Муваффақиятли операциялар кўп жиҳатдан тўғри кириш, шунингдек, кисталарнинг локализацияси ва сонига боғлиқ бўлган. Эхинококк кисталарининг сегментар локализацияси ва паразитнинг ҳаётий фаолияти босқичи бўйича УТТ ва КТ маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, кўпинча юқори-ўрта лапаротомия усули қўлланилган бўлиб улар 68 (82%) пациентда қўлланилган. Агар жигарнинг ўнг бўлагининг эхинококк кисталари орқа қиялик бўйлаб 8-сегментнинг проекциясида субдиафрагмал минтақада жойлашган бўлса, Федоров бўйича ёки торакофренолапортомик кириш бўйича қия-қовурға ости кесмаси қўлланилган. Эхинококкэктомиянинг адекват усулини танлаш эхинококк кистасининг табиатига, турига (асоратланган ёки асоратланмаган) боғлиқ бўлган. Асоратланган эхинококкларнинг барча ҳолатларида ярим ёпиқ эхинококкэктомия усули, яъни дренаж найчасини қолдириш қўлланилган. Қолдиқ бўшлиқни йўқ қилиш усулларида фойдаланганда куйидаги омиллар ҳисобга олинган: локализация, жигардаги кисталарнинг ҳажми ва сони, шунингдек уларнинг табиати. Делбе усулида ҚБ нинг капитонажи (26,6%), фиброз капсуланинг ҚБ бўш жойларида инвагинация усули 23 (27,7%) беморда амалга оширилган. 16 (19,3%) ҳолатда ҚБ ни йўқ қилиш учун оментопластика ишлатилган, 14 беморда цистперицистэктомия+ҚБ абдоминализацияси, 8 (9,6%) ҳолатда эхинококкэктомия+қолдиқ бўшлиқни дренажлаш амалга оширилган. Операциянинг барча ҳолатларида қолдиқ бўшлиқ ЛФА-СД нинг сувли эритмаси билан 5 дақиқа экспозиция билан ишлов берилган. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ёруғлик микроскопида кўрилганда албендазол сульфоксиднинг липосомал шакли таъсири остида, сколекслар, протосколексларнинг тузилиши ярим ингичка кесмаларда сезиларли даражада ўзгаради, бу хитин қобиғидаги таркибий ўзгаришлар, айниқса унинг эмбрионал қатламга таъсири билан бирга келади. Протосколексларнинг тўлиқ йўқ қилиниши ЛФА-СД таъсиридан 5 минут ўтгач содир бўлади.

Ўрганилган II-Б кичик гуруҳининг барча беморлари операциядан кейинги даврда жигарнинг УТТ ўтказилди, бу ерда қолдиқ бўшлиқларнинг ҳолати, уларнинг катталиги, таркибининг табиати ва қоида тариқасида регенерация жараёнининг бориши ҳисобга олинди. Амалга оширилган операциялардан кейин антигенбоғловчи лимфоцитларнинг (АБЛ) ҳолати ўрганилди, чунки бу кўрсаткич маълум даражада операциядан кейинги даврнинг прогностик тестидир. Беморларнинг асосий гуруҳида операциядан кейинги специфик асоратларнинг частотаси куйидагича эди: 4 (4,8%) беморларда ҚБ нинг узоқ вақт мавжудлиги, бунда 4(4,8%) ҳолатда йиринглаш билан кузатилган, бу 10-15 (12,5+3,5) кун ичида ўз-ўзидан йўқолган. Эхинококкэктомия усулидан қатъи назар, 44 (70,97%) ҳолатда қолдиқ бўшлиқларнинг тўлиқ регенерацияси кузатилди. Барча беморларнинг

касалхонада ўртача қолиш муддати $16,2 \pm 2.0$ кунни ташкил этди. Узоқ вақт давомида қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши бўлган беморларда дренаж найчасидан йирингли таркибли ажралма кузатилган. Бунда УТТ усули ёрдамида ҚБ ҳолатини динамик кузатуви мунтазам равишда амалга оширилди, унда ҚБ нинг тўлиқ редукцияси (регенерацияси) бирор-бир сезиларли асоратларсиз қайд этилди. Беморларни 2 ойдан 4 ойгача бўлган муддатда ўрганишда 10-12 кун давомида дренаж найчасидан сероз-йирингли массаларнинг кам чиқарилиши кузатилди. Гарчи УТТ пайтида ҳажми сезиларли даражада камайган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қолдиқ бўшлиқ сақланиб қолди. Дренаж найчалари ҚБ диаметри 1,0 см га камайганда ва дренаж трубкадан ажралма тўхтаганда олиб ташланди.

ЮҚТТ томонидан ҳамроҳ патология мавжуд бўлган 1 беморда операциядан кейинги даврда 4-6-суткага келиб ўткир миокард инфаркти белгилари намоён бўлди. Интенсив терапия фонида беморнинг умумий аҳволи яхшиланиши кузатилди.

Шундай қилиб, жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш, жарроҳлик учун кўрсатмаларни тўғри аниқлаш, уларни амалга ошириш техникасини такомиллаштириш ва ҚБ ни ЛФА-СД билан ишлов беришнинг янги усулини қўллаш операциядан кейинги специфик ва умумий асоратлар сонини камайтиришга имкон берди, бу эхинококкни жарроҳлик даволаш натижаларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Диссертациянинг **“Беморларнинг асосий ва назорат гуруҳларида жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш”** деб номланган олтинчи бобида жигарнинг қолдиқ бўшлиқларини даволашнинг турли усуллари қиёсий таҳлил қилинган.

Қолдиқ бўшлиқни 80-100% ли глицерин билан даволашнинг анъанавий усули ёрдамида ЖЭ ни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, операциядан олдин АЛТ- $2,1 \pm 0,08$, АСТ- $1,8 \pm 0,06$, умумий билирубин- $36,7 \pm 6,4$ бўлган. Операциядан кейинги 28-куни АЛТ меъёрий кўрсаткичларгача камайган, АСТ эса операциядан кейинги 14-куни меъёрлашган. Жигарнинг оқсил ҳосил қилиш функциясида сезиларли ўзгаришлар, қондаги умумий оқсил, албумин ва глобулиннинг камайиши юз берган. Операциядан кейинги даврда бу кўрсаткичлар меъёрий ҳолатга яқинлашган. Йирингланган жигар эхинококкида операциядан олдин беморларнинг қон зардобидаги умумий оқсил миқдори $56 \pm 4,5$ г/л ни ташкил этган ва операциядан кейинги даврнинг 8-10 суткаларида $65 \pm 2,6$ г/л гача ошган. Асоратланган кистада қондаги прокалцитонин ва С-реактив оқсил миқдори $1,080 \pm 0,21$ нг/мл ни ташкил этди, операциядан кейинги 3-куни $ПК=0,447 \pm 0,03$, операциядан олдинги С-реактив оқсил миқдори $20,5 \pm 15$ мг/л операциядан кейин $16,4 \pm 2,14$ мг/л гача камайган. Прокалцитонин ва С-реактив оқсил яллиғланиш жараёнининг башоратчиси ҳисобланади ва бу кўрсаткичларнинг меъёрлашмаганлиги давом этаётган яллиғланиш реакциясини баҳолашга имкон беради. ЖЭ нинг асоратланмаган шаклида қолдиқ бўшлиқнинг редукцияси ўртача $15,5 \pm 0,5$ кунни ташкил этган. Операциядан кейинги асоратлар кўрсаткичлари беморларда яра томонидан назорат гуруҳида қуйидаги асоратлар кузатилган: 30 (9,9%) беморда яра

йиринглаши, 10 (3,3%) беморда лигатурали оқмалар, 12 (4,0%) ҳолатда серома, 5 (1,6%) беморда эвентрация. Жами яра асоратлари 57 (18,8%) тани ташкил қилган. ҚБ томонидан специфик асоратлар: 14 (4,6%) пациентда қолдиқ бўшлиқнинг узок давомлилиги, 54 (17,8%) беморларда йиринглаш, 21 (6,9%) билиар оқмалар, 19 (6,2%) тасида узок муддатли дренаж. Операция давомида 2 (0,6%) беморда қорин бўшлиғига қон кетиши кузатилган. Жами специфик асоратлар 110 (36,4%) ҳолатда мавжуд. Специфик асоратлардан ўлим 3 (1,0%) ҳолатда юзага келган. Умумий асоратлар: 8 (2,6%) ҳолатда операциядан кейинги плевропневмония, 11 (3,6%) кузатувда ўзгарувчан оғирликдаги ўткир жигар етишмовчилиги, 8 (2,6%) ҳолатда ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги. Жами умумий асоратлар 30 (10%) тани ташкил қилган. Рецидивланган эхинококклар умумий олинганда 54 ҳолатда, операциядан кейинги 1-2 йил ичида бу кўрсаткич 38 (12,5%), 2-3 йил ичида беморларнинг 16 та (5,2%) ҳолатида кузатилган. Ушбу асоратлар беморларнинг II Б асосий гуруҳи билан таққослаганда анча паст бўлган. Хусусан, назорат гуруҳидаги яра асоратлари 57 (18,8%), II Б асосий гуруҳида эса 8 (9,6%). Умумий ҳисоблашда назорат гуруҳидаги қолдиқ бўшлиқнинг специфик асоратлари 110 (36,4%) тани ташкил этган, II Б асосий гуруҳида эса бу кўрсаткич 11 (13,2%) тани ташкил этди. Назорат гуруҳидаги носпецифик асоратлар 30 (10%) тани ташкил этган, II Б асосий гуруҳ билан таққослаганда, бу 4 (4,81%) ни ташкил этган ва бу гуруҳида ҳалокатли натижа йўқ еди ва назорат гуруҳида беморларнинг летал оқибатларнинг 3 (1%) та ҳолати мавжуд бўлган.

Буларнинг барчаси албендазолнинг липосомал шакли билан қолдиқ эхинококк бўшлиғини ишлов бериш жигар функциясини тиклашга ижобий таъсир кўрсатишини, яққол ифодаланган гепатопротектив таъсир кўрсатишини яна бир бор исботлайди. ЛФА-СД операциядан кейинги даврда жигарнинг оқсил синтезлаш функциясини тиклашга имкон беради. Қолдиқ бўшлиқ томонидан специфик асоратларни кескин камайтиради, операциядан кейинги носпецифик асоратларнинг частотасини камайтиради.

80-100% глицериннинг токсик таъсири сабабли, қолдиқ бўшлиқни глицериннинг сколексоцид таъсири билан даволаш туфайли, ушбу препаратнинг салбий томони шундаки, қолдиқ бўшлиқнинг ҳажми $2,9 \pm 0,5\%$ гача камаяди, II Б асосий гуруҳида эса бу кўрсаткич $5,5 \pm 0,8\%$ га тенг. Операциядан кейинги даврда II “А” (асосий) гуруҳида жарроҳлик даволаш натижаларини қиёсий ўрганишда жами 16 (19,5%) ҳолатда яра асоратлари кузатилган, II “Б” кичик гуруҳида эса у қуйидагича кўринишга эга бўлган: 8 (9,6%) беморда яра асоратлари (II “А” гуруҳига караганда 2 бараварга паст). II “А” гуруҳида специфик асоратлар 24 (29,08%) ҳолатда кузатилган ва II “Б” кичик асосий гуруҳида бу кўрсаткич 2 баравар паст, яъни 11 (13,2%) ҳолатни ташкил этган. Қолдиқ бўшлиқни 2% ли албендазол эритмаси ишлов бериш ва қолдиқ бўшлиқнинг узок муддатли мавжудлиги 5 (6,09%) ҳолатни, ўтли оқмаларнинг мавжудлиги 5 (6,09%) ҳолатда, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши 10 (12,1%) пациентни ташкил қилган. Жами носпецифик асоратлар 24 (29,08%) беморда кузатилган. II “А” кичик гуруҳида умумий асоратлар 8 (9,75%) беморларда бўлган. II “А” кичик гуруҳида қолдиқ

бўшлиқнинг камайиши ўртача $34,2 \pm 2,0$ ни ташкил этган, II “Б” кичик гуруҳда эса бу кўрсаткич $15,8 \pm 3,8$ ни ташкил этган. Назорат гуруҳида 14 та ҳолатда билиар оқмалар мавжуд бўлганда, улар $45,1 \pm 5,5$ кун ичида тўхтаган.

Назорат гуруҳида 76 (25,2%) ҳолатда “яхши” натижа, 106 (35,0%) ҳолатда “қониқарли” натижа, 120 (39,7%) ҳолатда “қониқарсиз” натижа қайд этилган. Беморларнинг назорат гуруҳида жигар эхинококкозини комплекс жарроҳлик даволашнинг бевосита натижаларини ўрганишда куйидаги натижаларга эришилган: қолдиқ бўшлиқни 80-100% ли глицерин билан даволашдан кейинги 3-суткасида бир қатор ўзгаришлар аниқланди: бу даврда АЛТ фаоллигининг сақланган юқори титрлари фақатгина 28-суткада камайган ва $0,78 \pm 0,03$ ммоль/с ни ташкил этган.

АСТ кўрсаткичларининг меъёрлашуви тадқиқотларининг 14-суткасида аниқланган. Асосий гуруҳ беморларида ЖЭ ни жарроҳлик даволашнинг бевосита натижалари тадқиқотда таҳлил қилинган барча операция қилинган беморларда ўрганилган. ЖЭ билан оғриган беморларда операциядан олдинги даврда клиник ва лаборатория параметрларини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўрсаткичлар доирасидаги энг аниқ ишончли ўзгаришлар АЛТ ва ишқорий фосфатаза ферментларининг фаоллигига нисбатан (300% ва 100%) олинган. Бунда қондаги фаолликдаги ўзгаришлар катталашини табиатига эга бўлган. АСТ кўрсаткичлари ҳам ошган, бироқ атиги 45% га ошган, бу жигар тузилишида, частотасида, ушбу патологияга хос бўлган холестаз ривожланишида содир бўладиган метаболик жараёнларнинг ўзига хошлигини кўрсатди. ЖЭ нинг ривожланиши умумий оқсил, албуминлар миқдорининг мос равишда 20% ва 22,3% га камайиш тенденцияси билан тавсифланган. Шу билан бирга, умумий билирубин даражасининг ошиши қайд этилган.

Келтирилган маълумотлар цитолитик ва холестатик синдромларнинг ривожланиши, жигарнинг оқсил синтезлаш функциясининг пасайиши ҳақида тўлиқ гувоҳлик берди. Қолдиқ бўшлиқни 2% ли албендазол эритмаси билан ишлов беришдан кейинги 3-суткада бир қатор ўзгаришлар аниқланган: бу даврда юқори АЛТ фаоллиги титрларининг сақланиши камайган ва операциядан кейинги даврнинг 28-суткасида $0,69 \pm 0,03$ ммол/г.л ни ташкил этган. АСТ параметрларининг меъёрлашуви тадқиқотларнинг 14-суткасига келиб аниқланган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг барча даврларида ИФ нинг сезиларли даражада юқори фаоллигини таъкидлаш керак, бу меъёрлашувга алоҳида мойил бўлмаган. 14-28 кунда унинг фаоллик даражаси $189,5 \pm 10,6$ ммол/г.л. ва $200,01 \pm 1,02$ ммол/г.л. ни ташкил қилган. Беморларнинг ушбу гуруҳида цитолитик жараёнларнинг пасайиши жигар функционал қобилиятининг бузилиши фонида содир бўлган. Ушбу фикрларнинг тасдиғи периферик қондаги умумий оқсил, албумин ва ишқорий фосфатаза таркибидаги ўзгаришлар динамикасида аниқланган, уларнинг даражаси бутун тадқиқот давомида керакли меъёрий даражага етмаган.

Беморларнинг II “А” асосий кичик гуруҳида ўтказилган тадқиқотлар, қолдиқ бўшлиқни 2% ли албендазол эритмаси билан ишлов бериш билан эхинококкэктомиядан сўнг жигар тўқималарида цитолитик жараёнларнинг пасайиши унинг оқсил-синтез қилиш функциясининг етишмовчилиги билан бирга келади деган позицияни яна бир бор тасдиқлаган.

Жигар эхинококкэктомиясидан кейин қолдиқ бўшлиқни ишлов беришда албендазол сулфоксиднинг (ЛФА-СД) липосомал шакли ёрдамида амалга оширилган жарроҳлик аралашувлар қолдиқ бўшлиқни даволашнинг анъанавий усули назорат гуруҳига нисбатан ўзгарган биокимёвий параметрларни яққолроқ тузатишга олиб келган. Бундан ташқари, ИФ фаоллиги операциядан кейинги даврнинг 3-суткасидан бошлаб $236,0+12,0$ ммол/г.л дан $160,5+0,58$ ммол/г.л гача кескин камайган.

ЛФА нинг ижобий таъсири оқсил ва пигмент алмашинуви кўрсаткичларига нисбатан ҳам қайд этилган. Барча тадқиқотларда периферик қондаги албуминлар даражаси ошиб, операциядан кейинги даврнинг 14-суткасида изланган даражага етган. Қондаги умумий билирубиннинг миқдори ҳам операциядан кейинги даврнинг 14-суткасига келиб меъёрий қийматларга етган, камайиб, меъёрга яқинлашган. Юқорида тақдим этилган биокимёвий параметрларнинг барқарорлашуви олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Жигар эхинококкэктомиясидан кейин қолдиқ бўшлиқни ишлов беришда ЛФА дан фойдаланиш гепатоцитларнинг тузилишини ишончли тиклашга имкон беради, яъни липосомалар яққол гепатопротектив таъсирига эга бўлиб, операциядан кейинги даврда жигарнинг бузилган оқсил-синтез қилувчи функцияси самарасини тиклайди. Шунга ўхшаш ижобий динамика операциядан кейинги даврни клиник кузатишда ҳам кузатилган. Операциядан кейинги асоратлар 5 (6,02%) беморда қайд этилган. 2-жадвалда жигар эхинококкэктомиясидан кейин ОП ни антипаразитар даволаш усулига қараб гуруҳларга бўлинган операциядан кейинги асоратларнинг частотаси ва табиати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган. Жадвалда кўрсатилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, 2% ли албендазол эритмасидан фойдаланганда специфик асоратларнинг умумий сони 24 (29,0%) ва ЛФА (асосий гуруҳ) да 11 (13,2%) беморда аниқланган. Асоратларнинг энг кам сони беморларнинг II “Б” асосий кичик гуруҳида қайд этилган. Ушбу маълумотлар ЛФА билан жигар эхинококкэктомиясидан кейин ҚБ ни даволашнинг энг ишончли ва самарали усул эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, жигар паренхимасидан ўзгаришлар камроқ кузатилади.

Беморларнинг назорат гуруҳида ҚБ томонидан асоратлар 110 (36,4%) ҳолларда, II “А” асосий кичик гуруҳида эса асоратлар 24 (29,08) ҳолатда кузатилди. назорат гуруҳида яра асоратлари 57 (18,8%) ҳолатда ва II “А” асосий кичик гуруҳида ушбу асорат 16 (19,5%) ҳолатда қайд қилинган. Беморларнинг назорат гуруҳида ҚБ ни антисептик воситалар билан мунтазам санацияси амалга оширилган ва антибактериал терапия ҳам қўлланилган. Шунга қарамасдан, ҚБ нинг регенерацияси (редукцияси) фақат операциядан кейин 1-3 ойдан кейин ($58,5+1,2$ кун) кузатилди.

Ўт оқмаларининг шаклланиш частотаси ҚБ нинг ишлов бериш услубига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Шуни таъкидлаш керакки, II “Б” асосий кичик гуруҳида 1 (1,2%) ҳолатда ўтли оқма кузатилган, у $13,2+0,8$ кун ичида мустақил равишда ёпилган, назорат гуруҳида эса, ўтли оқма 21 (6,9%) ҳолатда кузатилиб, у узоқ муддат давом этган, бу $45,1+5,5$ кунни ташкил этган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, энг қулай кечиш

беморларининг II “А” ва II “Б” асосий кичик гуруҳларида кузатилган деб таъкидлаш мумкин. Беморларнинг иккала гуруҳида ҳам операциядан кейинги яраларнинг турли даражадаги асоратлари қайд этилган. Операциядан кейинги яранинг йиринглаши назорат гуруҳининг 30 (9,9%) беморларида кузатилган, II “А” асосий кичик гуруҳида 9 (10,9%), II “Б” асосий кичик гуруҳида эса шунга ўхшаш асоратлар 5 (6,02%) ҳолатдада кузатилган. Операциядан кейинги даврда кўпинча стенокардиянинг тез-тез оғрик хуружлари билан ЮИК нинг кучайиши кузатилган. Ушбу беморларни даволаш реанимация бўлимида ёки интенсив даволаш бўлимида олиб борилган. Беморларнинг аҳволи барқарорлашгандан сўнг, операциядан кейинги давр ўзига хос хусусиятларсиз давом этган ва улар қониқарли ҳолатда касалхонадан чиқарилган. Операциядан кейинги даврда оғир асоратлардан бири ўткир жигар етишмовчилигининг ривожланиши ҳисобланиб, у мос равишда назорат гуруҳида 11 (3,6%) II “А” асосий кичик гуруҳида 2 (2,4%), II “Б” асосий кичик гуруҳида 1 (1,2%) беморда кузатилган.

2-жадвал

Текширилаётган гуруҳларда операциядан кейинги асоратлар частотаси кўрсаткичлари

Операциядан кейинги асоратлар	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ			
			А		Б	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Жароҳат асоратлари:						
-жароҳатнинг йиринглаши	30	9,9	9	10,97	5	6,02
-лигатурали оқмалар	10	3,3	4	4,87	1	1,20
-серома	12	3,9	3	3,65	2	2,40
-эвентрация	5	1,6	-	-	-	-
Жами жароҳат асоратлари	57	18,8	16	19,5	8	9,6
ҚБ томонилан специфик асоратлар:						
-ҚБ нинг узок муддат мавжудлиги	14	4,6	5	6,09	4	4,8
-ўт оқмаларининг мавжудлиги	21	6,9	5	6,09	1	1,2
-ҚБ нинг йиринглаши	54	17,8	10	12,1	4	4,8
-қорин ичи қон кетиши	2	0,6	-	-	-	-
-узок муддат дренаж олиб юриш	19	6,2	4	4,8	2	2,4
Жами специфик асоратлар	110	36,4	24	29,08	11	13,2
Специфик асоратларнинг умумий сони:						
-операциядан кейинги плевропневмония	8	2,6	3	3,6	2	2,4
-ўткир ЮКТЕ	8	2,6	3	3,6	1	1,2
-жигар-буйрак етишмовчилиги	11	3,6	2	2,4	1	1,2
-ўлим	3	1	-	-	-	-
Жами умумий асоратлар	30	10	8	9,6	4	4,8

Операциядан кейинги плевропневмониянинг ривожланиши кўп учрайдиган асорат бўлиб, кўпчилик ҳолатларда рентгеноскопия, айрим ҳолларда эса кўкрак бўшлиғининг УТТ ташҳисланади. Ушбу асоратнинг пайдо бўлиш частотасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида у 8 (2,6%), II “А” асосий кичик гуруҳида 3 (3,6%), II “Б” асосий кичик гуруҳида беморларда 1 (1,2%) ҳолатда кузатилган, бу консерватив даво орқали ҳал қилинган.

Жигар эхинококкози билан оғриган беморларни даволашнинг яқин муддатли натижаларини баҳолаш операциядан кейинги асоратларнинг частотаси, табиати ва оғирлигига асосланган ҳолда биз томонимиздан ишлаб чиқилган 3 балли тизим бўйича амалга оширилди. Бунда “яхши” натижаларга операциядан кейинги даврда асоратлари бўлмаган, қониқарли ҳолатда чиқарилган ва беморларнинг операциядан кейин касалхонада қолиш муддати 30 ё/кундан ошмаган даволаниш натижалари киритилган. Агар операциядан кейинги даврда реактив плеврит қайд этилган бўлса, натижалар “қониқарли” деб ҳисобланган, аммо у плевра бўшлиғини пункциясини амалга оширмасдан даволанган; йирингли-ўтли оқма касалхонадан чиқишдан олдин ёпилган, беморларнинг касалхонада қолиш муддати эса 40 ё/кундан ошмаган; қонда АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатаза ва жигар намуналарининг муддатли қисқа ўсиши кузатилган; касалхонадан чиқаришда ҚБ ўлчамлари дастлабки қийматларнинг 20% дан ошмади.

Операциядан кейинги даврда реактив плеврит кузатилган беморларнинг даволаш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланди, уларни даволаш учун плевра бўшлиғининг бир неча марта пункциялари талаб қилинди, АЛТ, АСТ, ИФ, жигар синамаларида турғун ўсиш кузатилди; операциядан кейинги қолдиқ бўшлиқ ярасининг йиринглаши кузатилди, беморлар қолдиқ бўшлиқдан чиқаётган ўтли оқмалар билан чиқарилди, беморларнинг касалхонада қолиш муддатлари 50 ё/кундан ошди, уларга такрорий жарроҳлик аралашувлари талаб қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

